Шунга яқин фикрни Алишер Навоий ҳам ўзи ҳақида айтиши мумкин эди. Зеро, Навоий расман нақшбандийлик тарикатига кирган бўлса ҳамки, ҳаётда ҳам, ижода ҳам тасаввуфнинг илм ва ирфон жиҳатига таъинган. Улуғ шоир ахлоқ тарбиясида алоҳида натижаларни кўлга киритиш, тафаккурни маҳдудлик, қолқоқлик, ёвузлик исқанжаларидан озод қилиш, руҳ ва кўнгил сир-асорини кашф этишда ҳақиқий ишк ва маърифатдан шу қадар мохирлик билан фойдаланганки, айни моҳиятдаги ҳатто ҳар бир байт инсоннинг манфаатларини ёқлаш Навоий учун одатий ҳол бўлганлигидан далолат беради.

Бўлмаса ишк икки жаҳон бўлмасин,

Икки жаҳон демаки, жон бўлмасин.

Илоҳий ва мажозий ишк уйғунлигидан туғилган ушбу байтда “икки жаҳон” ибораси факат бадийий усул талаби билан эмас, балки моҳият этиёжидан ҳам икки бора тақдорланган. Ҳақиқий ишқдан илрок ҳаёт ёнгиз бу дунё учун эмас, нариги олам нуктаи назардан ҳам маънисиздир. Модомики, дунё ишк туфайли ва ишк завқи билан яратилган экан, аҳли олам ишқсизлик – динсизликдан бигтарлигини англаши баробарида теран илрок эта биллиши ҳам зарурдир.

“Ҳамса”да яратилган асосий қаҳрамон ва ёрдамчи образлардан таъкири, турли ижтимоий табақа, гуруҳ ва тоифага мансуб

⁸ Имом Ғаззолий Н. Ал мункиъу минъад давоил. Шарҳи ва тасаввуфий талқинлари. Истанбул, 1997. 243-246-бетлар.

кишилар бир жойга жамланса, биринчидан, ирки, миллати, яшаши шарт-шароити, урф-одат ва турмуш кўникмалари ўзаро фарқланган бағот улкан издиҳом билан юзма-юз келинса, иккинчидан, фикр-караш, орзу-умид ва умумий интилишлардаги муштараклик ўқувчи акли ва кўнглини ўзгача бир йўсунда ориктиради. Шунга кўра “Хамса” қаҳрамонларининг бири-биридан йироқ миллат вакиллари эканлиги, улардаги иркий, миллий, диний, маҳаллий майл, тушунча, кайфият деган нарса ўқувчида алоҳида қизиқиш пайдо қилмайди. Шахслик фазилатлари, билим даражаси, ишқ камоли, маърифат мартабаси, мардлик ҳақида эса бундай деб бўлмайди.

Деги: қайдин сен, эй мажнунни гўмрах?

Деги: мажнун ватандин қайда отах.

Деги: недур санга оламда пеша?

Деги: ишқ ичра мажнунлук хамиша.

Деги: бу ишдин ўлмас касб рўзи,

Деги: касб ўлса баслур ишқ сўзи.

Деликим: ишқ ўтидин де фасона!

Деги: куймай киши топмас нишона.

Деликим: куймагингни айла маълум!

Деги: андин эрур жоҳ аҳли маҳрум!

Деги: қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст?

Деги: руҳ эмас эрди танга пайваст...⁹

Буюк ошқ норак фожиясининг энг баланд нуктасини ифодалаган ушбу диалогдан Хусрав ва Фарҳоднинг номи туширилиб қолдирилганда ҳам ҳақиқий ошқингидан сохта ошқингидан ажратишда ҳеч қим адашмайди.

Нима деган бўлса “улусқа марғуб”, нима ёзган бўлса “қўнгушта маҳбуб” этилишини Худодан тилаган Навоий Чиндан ҳам “ўз асарларини, хусусан, дostonларини ёзётганда халқни, битта қалқни эмас, бутун инсониятни назарда тутган”¹⁰ ва “етти икким зин” уларга ҳаридор бўлишини орзу қилган.

“Улут шоир ўзи ҳақда, “мен”и тўғрисида гапирар экан, умуман инсоният ҳақида гапирди, негаки, унинг табиятида инсониятга хос ҳамма нарса мавжуд”¹¹, – дейди В.Г.Белинский. Шунро шарқшунослиги оламга танилган Шарк муҳтоз шоирлари инсониятнинг умумбашарий таркибидан баҳс юритганда уларнинг истеъдодига хос анфусий унсур ва имтиёзларни аксарият пайтда инобатга олмаган. Натижада асардаги жаҳоний маъно ёки тушунчалар қандайдир ташқи таъсирларга тобе тарзда таҳлил қилинган. Ренессанс, яъни Фарҳодати Уйғониш ҳодисасига тегишли тиллар бунинг характерли мисоли эди. Аввало, шунинг таъкидлаш жоизки, Фарҳонинг маданият, маънавият, илм-фан жабаҳасидати нотуқлари Шарқиникидан устунлигини кўрсатиш ва исботлаш интида Ренессанс номи билан ҳар турли сохта, тахминий фикр-мулоҳазалар тўқилган эди. Бу гап Ренессанс ва Навоий ижодиёти мавзусида сўзлаган олимлар, жумладан Н.И.Конрад ҳамда Н.М.Жирмунскийларга ҳам тегишли. Жирмунский пролетар доктринасининг фикр ва кўрсатмаларига асосланиб, Алишер Навоий замонадаги Хирот билан Италиядаги илк Уйғониш даври шохларини қислаб ўз ҳулосаларини ўртага ташлайди. Мавзу экинчи юзасидан Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” дostonига мансуб тўхталади. Мақола Алишер Навоийнинг ижодиёти, унинг тарбияти илгор ҳамфиллари – Ренессанс даври шоир ва мутофаккирларининг ғоялари билан ҳамоҳанглигига уруғ бериш билан тугатилган.¹²

⁹ Хамса, 275-276-бетлар.

¹⁰ Белинский В.Г. Адабий оғулар. Тошкент, 1977. 136-бет.

¹¹ Белинский В.М. Алишер Навоий и проблема Ренессанса в литературе Востока // Проблемы эпохи Возрождения и проблемы всенародной литературы. М., 1957. С. 460-471.

Хўш, Европа Ренессансининг ўзи нима? Унинг Шарк Уйғониши билан қандай вобасталиги ва туб моҳиятда қанақа монандликлари бор?

Машхур немис файласуфи Ф.Нитше ёзди: "Христианлик бизни антик маданият хазинасидан узоқлаштирган сингари Ислоом маданиятининг барча бойликларидан ҳам бенасиб килди. Рум ва юнон маданиятига қараганда Испаниядаги шаркликларнинг бизга жуда яқин бўлган, туйғу ва интилишларимизга алоҳида таъсир ўтказишга қодир юксак маданияти оёқ остида топталди".¹³ Бу қабих ишга Ренессансининг ўнлаб мактаблан вакиллари бош кўшанлигининг асосий сабабларини чуқур ўрганиб, ана ундан сўнг Алишер Навоий ижодиётининг Фарб дунёсидати у ёҳуд бу санъаткор тажрибалари билан ўхшашлик, вобасталикларга диққат-эътиборни торттиш ўзини оқлайди. Акс ҳолда ҳар қандай "илмий" фикр ва таҳмин сафсата бўлиб қолаверади.

Бизнингча, Нитшеннинг "Ренессанс – тушунармас бир ҳодиса, улкан самарасизликдир"¹⁴, деган гапларининг илдиизига етиб боришса, наники Навоий, мумтоз адабиётимизнинг бошқа етук намоёндалари меросидати умуминсоний "қатлам"лар ҳам анча ўнғай қашф этилади. Буюк форс шоири Саъдий Шерозий:

Тани одами шариф аст ба жони одамийат,

На ҳомин либоси зебост нишони одамийат,

яъни одам вужуди инсонийлик руҳи учун ниҳоятда шарофатлидир. Чунки чиройли, латиф либос одамийлик нишони бўлолмайди, деб бошланадиган шеърини,

На баёни фази қардам, ки насихати ту туфта,

Ҳама аз одами шунидем баёни одамийат,¹⁵

сента изхори фази эгганим йўк – одамлардан инсонийлик ҳақида эшитиларимизни айтдик, деган сўзлар билан тўғатади. Одами одамга яқинлаштириб, юракни меҳр ва нишонч нурига чулғайдиган сўз топиш, шу Сўз билан одамлардаги ўзаро йироқлик, совуқлик, ҳушумат ва ғофилликка барҳам беришга ҳисса қўшиш оддий юмуш

эмас. Алишер Навоий ижодий шахсияти, тафаккур қучи-қувватига инсониятида олам аҳлига мурожаат қилиб:

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлуғ бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш, –

демакди,

Туркий тилда сўзлашувчи қавм ва халқлар Навоийнинг турли жанр, ҳилма-хил мавзудати асарларини асрлар мобайнида ўқиб-ўранишган. Бу жараён олдингисидан бутун неча бора кенгайган бўлса, кенгайганки, торайиб қолгани йўқ. Шу ўринда усмонли турк навоийшуноси Юсуф Четиндоғнинг мана бу сўзларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз: "Туркий халқлар адабиётида ўз таланти, бебаҳо ижоди билан донг таратган шоир ва адиблар кўп. Аммо айнан Алишер Навоийга ўхшайдигани йўқ. Мана Юнус Эмронини олайлик. У фақат бизнинг халқимиз орасида машхур, Фузунлий озарийларнинг энг суюқли даҳоси. Махтумгули туркманларнинг биринчи шоири ва ҳоказо. Алишер Навоий-чи? Туркий элларнинг бариси учун бир хилда қадри ва уларнинг қаммасини ўз атрофида бирлаштиришга қодир қалам соҳибидир...".¹⁶ Турк олимийнинг ушбу сўзлари Навоий "Фарҳод ва Ширин"да битиб кетган:

Олибмен тахти фармонига осон,

Черик чекмай Хитодин то Хуросон.

Хуросон демаким, Шерозу, Табриз

Ки қилмишдур найи қилким шакаррез.

Қўнгул бермиш сўзимга турк жон ҳам,

На ёлғуз турк, бақким туркмон ҳам,¹⁷

деган фикрларининг беш асрдан кейинги бир эътирофи деса хато бўлмайди.

¹³ Нитше, Давид. Христианлигининг танқиди. Истанбул, 2008. 79-бет.

¹⁴ Ушба китоб, 81-бет.

¹⁵ Саъдий Шерозий. Мунтахаби куллият. Душанбе, 1956. С. 327.

¹⁶ Четиндоғ Ю. Алишер Навоий. Тошкент, 2013. 4-бет.

¹⁷ "Навоий", 335-бет.

Европа мамлакатларида Навоий ижодиётига кизиқиб, рус, инглиз, немис каби тилларда таржима ва тадқиқот ишларининг йўлга қўйилганига ҳам бир асрдан ошиб кетди.

Абдулла Орипов айтмоқчи, "Темур тиғи етмаган" жойларни ҳам Навоий қалам билан иштол этишдан тўхтаган эмас. Бу эса айни пайтда буюк мутафаккир шоир асарларида илгари сурилган мавзу ва маъноларнинг башарий аҳамияти фавқулодда баландлигини тасдиқловчи дахисиз бир ҳодисадир.

"Ўзбек тили ва адабиёти" журнали, 2014 йил I-сон.

НАВОИЙ ШЕРЬЯТИДА ҲАҚ ВА ШАҲС МУНОСАБАТИ

Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр" дostonида инсонга муносабат қилиб, шундай дейди:

*Кўр, сenga Ҳақдин не қарамлар дурр,
Не қадар эҳсону наамлар дурр.*

*Буки сени холиқи қавну фасод,
Қилиди ҳайвону наботу жамод.*

*Лутф ила айлади инсон сени,
Дин йўлида қилди муҳулмон сени...*

Ана шу лутф, ана шундай олий эҳсон учун ҳам Одам фарзанди Оллоҳни билмай, танимай ёки Ундан йироқ бир аҳволда яшашни мумкин эмас. Оллоҳ ва инсон муносабати ҳамда орадаги бирлик ғояси турли дин, илмий-фалсафий таълимот ва баъдий ижод вакиллари узоқ асрлардан бўён қизиктириб келади. Бу ҳақда жуда кўп фикр-мулоҳаза ва ҳулосалар ифодаланган бўлса-да, дунё миқёсида барчани бир хилда ишонттирадиган, ҳамма бир йўсинда таънадиган тўхтамга келингани йўқ.

Матлумки, Шарк тасаввуф таълимотида борлик – оламнинг яратилгани ишқ билан изоҳланади. Чунончи: Оллоҳ – "Вужуд

мутлак", яъни мутлақ борлиқдир. Ҳали макон ва замон пайдо бўлмагандан тўриб, борлик – қонинот ўз-ўзича мавжуд эди. Оллоҳ эса инш ва жабрду оламида тоқ яшарди. Табиийки, Унга қарайдиган кўз, наздиқа келадиган бир кўнгил топилмасди. Ваҳоланки, ғуламнинг дастлабки таъбири ўзини намоён этишидир. Тангри ғуламнинг эса барча олий ва илоҳий сифатлар мавжуд бўлиб, Оллоҳ инсонни ана шу ғуламликни кўриш, идрок этиш ва севиш учун яратганди. Алишер Навоийнинг таърифи бўйича эса:

*Тангри чун одамни махлуқ айлади,
Ўзи ошди, уни махлуқ айлади.*

Оллоҳ ва инсон муносабати ҳақида сўзлашни собиқ шўро давлати сиёсати умуман таъқиқлаган эди. Шунинг учун мумтоз адабиётини таъқиқ этган адабиётшунослик тоҳ мажбурий, тоҳ нағирин истик ила адабий матн таркибидан чуқур ўрин эгаллаган диний-ирфоний маъно ва тиссолларни кўриб-кўрмаслик, билиб-билмаслик таърибасини ҳам жорий қилганди. Ҳолбуки, инсонни ақлу идрокдан ажратиб бўлмаганидек, имон ва эътиқоддан ҳам иррадиатириш мумкинмас. Алишер Навоийнинг имонни инсонликнинг бош белгиси деб таъқиқлашни ҳам бежиз эмасди:

*Қимми жаҳон аҳлида инсон эрур,
Билки нишони анга имон эрур.*

Навоий имон деганда, тақлидий эмас, ҳақиқий имонни назарда tutиши. У риёкорлик, сохтакорлик ва иккиозламачиликлар билан ақло келишолмайди. Бунга "Шайх" радиғли ғазали ва "Махбуб ул-қулуб" даги "Риёкор шайхлар ҳақида"ги қарашларини мисол қилиб кўришти мумкин. Чунки, шоир таъбирича, ҳақиқий имон инсоннинг ва инсон ҳаётининг мазмунидир. Акс ҳолда, у Оллоҳга ишқинго килиб:

*Наҳди жсон чикҳанда имон гаҳҳарин кўнгулмага сол,
Айлағи эсондин жудо, лек этима имондин жудо,*

Душнинг улкан олим ва даҳо ижодкорлари ҳам ҳеч вақт имонини унуттишмаган. Масалан, француз мутафаккири Блез Паскал имоннинг уч турга бўлади. Биринчиси, вужуд ҳақиқатлари;

иқкинчиси, ақл ҳақиқатлари; учинчиси эса имон ҳақиқатлари. Унга кўра, вужуд ҳақиқатлари нафси, нафсоний хирс ва истақларни камраб олади. Ақлий ҳақиқатларга келсак, инсонни улар ирода ва тасаввур кашф айлаган нурули бир оламга юксалтириб, уни биник, бақиратсиз ва майдалик гирдобига чўккан "Мен" лигидан кутқариб, Рух дуёсининг сарвари даражасига олиб чиқади. Имон ҳақиқатлари эса шахсни инсоний борлигидан ҳам юқорилагиб, маҳуд борлиқдан чекизилликка бошлайди. Бунда олам катра экан дарёга, учқун бўлса куёшга дўнади. Ва сўнгислик, самовийлик завқ-шавқининг зўридан боқий Вужудга талпинди. Оллоҳ қуллари ва ошиқларини Унинг атрофида бирлаштирувчи Рухоний қуч-қувват ҳақиқатда ана шу.

Навоий шахсининг Ҳакка бўлган муносабати, унга яқинлик ҳосил қилишида энг самарали йўл тасаввуф таълимоти эканлигини алоҳида таъкидлаган. Шунинг учун ҳам у Баҳоуддин Нақшбанд ва Ҳожа Аҳрор Валий каби зотларнинг ҳаётини ибрат қилиб кўрсатади. Шоир таъбирича, факр, тажрид ва тафрид, моҳифилоҳдан кўнгил узиш, ёмон ҳулқлардан қутулиб, яхши ҳулқларни эгаллаш, Ҳакка яқин бўлишнинг асосий омилларидир.

Мен кимни нук дейишса не ғам? Худо менинг ёрим, одамга не хожат”,
миллиондаги багъти бу хақиқатни тўғри англашга ёрдам беради:

*Ҳама сўзид Тоҳир кас надорд,
Худо ёри мана чи ҳоҷати кас?*

Оғилок билан ҳолис муносабатда бандаси ҳеч нима
отормайди, алданмайди, ғаму кулфатга йўлиқмайди, ҳеч қанақа
зорини, заррини чекмайди. Навоий ҳамд рубойларидан бирида
деган эди:

1-ру. Ушадан мавжудликлар туну кун, ойу йил Олпохта муштовлик сезганида, одам қаъми оламшумул ва муқаддас биринчида ўзини қандай бенасиб этсин? Яратилиш тарихи, асл моҳияти, қомиллик маънаби борасида инсон нечоғлик кенг муноқадда юритса, Ҳаққа толибчилигини ўшанча жонли хис эта боради. Энг муҳими, Ҳақ муҳиби эркинлик, жўмардлик, хоқсорлик, ўшга инсон ва самимиятнинг ҳаёлий босқичларига чиқади. Бу ўринда Бақоулдин Вагаднинг “Маориф” китобидаги “Тантрини танни, вилдларни танишдан кўп осондир. Бутун олам Тантрига тоғинади, Ушга сажда қилади. Бирок юз мингларча инсондан ҳатто бунга ҳам вилдларни етарли даражада таний олмайди...”, деган гапларнинг хотирлатиш мақсадага мувофиқдир.

Нон Армони "Футухот" да ёзишча, ҳамднинг ҳақиқати ҳам

шарофати туфайли инсон ўзини руҳан янгидан англайди, тасаввур ва тахайюлидаги мавҳумлик, мураккабликлардан осон воз кечади. Навоий эса комилликни Ҳаққа бандалик билан уйғулаштириб уни камолотнинг ниҳоси деган хулосани илгари суради.

*Ҳар киши қомил эрур бас анга Ҳақ бандлиғи
Мундин ўзга тамары қасби қамол айланганг.*

Навойнинг "мен"и, яъни лирик қаҳрамоннинг Танрита бўлган муносабати салафлариникидан деярли фарқланмайди. Навоий назмий ва насрий асарларидаги муносабатларида, айниқса, "Муножот" асарида Танритнинг қомил сифатларини таърифлаш баробарида ўзининг ожизлигини, унга бўлган эҳтиёжларини изҳор қилади. Шарқ шеъриятида айнан мана шу "ожизлик изҳори" анъанавий байн усулларидан бўлиб, қомил инсонга хос бўлмиш фазилатлардан саналган.

Энг муҳими, Оллоҳ ва инсон муносабатларини Навоий мураккаблик ё китобийликка ён бермай талқин қилади. Бунинг бир сабаби шoirнинг пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг "Нафсини билган Раббини билур" ҳадисига таянишидир. Чунки сарвари қонот Ҳақ маърифатини нафс маърифатига ботлаб, Оллоҳ билан одам орасидаги энг қалин хижоба эътиборни қаратган эди. Нафсни таниш эса мен қимман, қаердан келдим, нима мақсадда яратилдим ва қаерга бораман, деган саволдан ва шу ҳақда фикр қоритишдан бошланади, дейди мутасаввиф санъаткорлар. Улар нафсни танитиш ва нафс бағосилан қутилиш йўл-йўритини кўрсатувчи бири биридан муҳим фикрларни қозғата туширишган. Мавлоно Жалолиддин Румий "Маснавий" да:

*Хешро софи кун аз авсофи худ,
То биёбини зоти ноки софи худ.*

яъни: ўз зотинг поклигини кўрмоқ истасанг, ўзингни ўз ноқис, ожиз сифатларингдан тозада, дейдилар. Одамнинг ўзини ўзидан қутқариши, душман тузоғидан ўзини қутқаришдан кийинроқдир. Шундай бўлмаганида Навоий бир китъасида:

*Фосиқ мену кофири нисонин,
Қавба сафари эрур манга ҳайф.*

*Ўзи буки яхши кўрсатурмен,
Биноҳуки, манга қилисо ҳайф,
Део ёмисил. Бу ерда улут шир гўёки маломатийларни ҳам ортда қолтиран.*

Нафс ҳақида, нафсни таниш хусусида гапирадиганлар жуда кўп. Аммо "Нафс ўзи нима?", "Нафсни таниш қандай амалга оширилади?" деган саволларга берилган аниқ жавобларни топиш янча душвордир. Нафс, қалб ва руҳ нима – оломон буларни ҳеч қачон эмас. Чунки нафсни таниш аввал-охир маърифатга таянган. Тасаввуф мавзuida қимматли китоблардан бирининг муаллифи Исмоилиддин Қошоний нафсни танишда инсон ирфонга қўлини, нафсда пайдо бўладиган ҳар ёмон сифатни дастлабки пайғамбар таниш ва илҳизига етиш зарурлигини сўзлаб яна ёзади: "Нафс нди нафсидати қибр, риё, ужднинг ёмон сифатлигини фарақлаб, нафсда юзата чиқиши ҳамон уларни таниса ҳамда тақрор пайдо бўлишга қатъий чек қўйишни удаласа, ана шунга нафсни танитмоқ дейилади. Агар нафсдаги иллат ва чиркинликларни инсон дастлабки онларда эмас, кейин таниса унга гофил номи берилади".

Навой масаланинг бундай нозикликларини теран англагани ва инобатга олинлиги боис нафс қурашида голиблик майдонига инсонни нисбатда мушкуллигига ургут беради:

*Эи довуломонлар, билингким, бўйди умрим ҳосил,
Нафси кофир фитнасийдин номусулмонлида ҳайф.*

Хуллас, нафсоний ўзлик ҳамлао фитналари бартараф этилгач, бирор нарсани инсон ва Оллоҳ унсиятига тўсқинлик қилолмайди. Бу воқиятни улут Мансур Халлож яна ҳам соддарок тарзда шарҳлаб, "Ўз бандани ноқислик ва чиркинликлардан бир бора тозалангач, инсон, добатта, уллухиятта юксалади", дейди. Ушбу ҳақиқатни Навоий кўп бора шеърый шаклларда ифодалаб берганики, улардан бирини:

*Ўзлнчнинг ҳижобидин қимки ўзин халос этар,
Ўзга қайини солса кўз, мушқин эмас ҳижоб анга,
дейтилади, "Ўзлик хижоби"дан тўла-тўқис қуттилишни Рухнинг қозғата унсияти деб қараган айрим сўфий ва мутасаввифлар айни*

пайтда уни “бир диний шахситнинг ўзгартрилиши мукофоти”, дея таърифлашган. Биз Навойнинг лирик қаҳрамонини ҳар жихатдан ана шу мукофотга лойиқ деб ҳисоблаймиз. У – диндор, у – ошик, ориф, факир, у – файласуф, мутасаввиф... Аммо унинг на тириклик, на дин, на ишқ ёки на сиёсат ва маърифат йўлида чекланиб, маҳдудликка тўқиниб, иккинозламачилик қилган жойи йўқ.

Шоирнинг илоҳий ишқ, фақру фано ва соф ирфоний тушунчалар ёритилган ғазаларидаги кош, кўз, лаб, хол каби ўнглаб поэтик образлар Оллоҳ ва қомил шахс ўртасидаги алоқа ҳамда бирлик ҳолатларидан қайта-қайта ҳабар етказиб турадики, фаҳм-фаросати ўткир шеърхон инсон моҳиятан ўзини машуқки азалидан ажрата олмаслигига дилдан иқрор бўлади.

Навой, аҳли жуғруи зумрасига кирди илоҳий,

Чу айладинг ани Мажнун, ўзунгни қил анга Лайло.

Шоирнинг лирик қаҳрамони ҳақиқатда ўзини Мажнун киёфаси ва руҳониятда намоён этади. У, тушунча ва холдан ҳаракатга, ҳаракатдан хол ва тушунчага ўтар экан, Оллоҳ атрофида айланади. Мендан яна Мента бориш учун бутун борлиғи ила Раббига саждалар қилади. Ва ўрни-ўрни билан аласт бозмидан сўз очади:

Мени усруж кўрубон жомим ушолма, эй шайх

Қим, бу янглиғ мени мист эткан эрур жоми аласт.

Бу эътирофга асосланиб айтилган бўлса, Навой тушунчасида ҳалқ ва Ҳолиқ алоқасининг дахлсиз йўли Рух. Рухни ишқ завқи билан қанотлантириб, маърифат билан қувватлантириш одами Ҳақдан йироқлашиш хавфидан омон саклайди. “Ғаройиб ус-ситар” даги китъалардан бирида Навой:

Қимки ўзлук иморатин бузди,

Бўлди нақди фано анинг музди.

Ул иморатини бузганин солиқ

Бўла олмас бу нақдга моллик,

дейди. Дарҳақиқат, энг қийини, энг оғриқлиси ўзлик иморатини бузиш. Шунга эришилди – қолгани осон ва завқли кечалди. “Нақди фано” – восил бўлиш, ўз сийратини да вуслатга етишмоқ

дегани. Шунинг учун ҳеч бир ошик, ориф, дарвеш Оллоҳ мандан нирасда деб сиккимаслиги керак. Бунинг аксини ғафлат сифатида баъозини Навой хажр азобига кўп берилмаслиқни таъкидлаб, мана шундай деди:

Қушқул мурвоти ичра жилавагардур ёру сен вофид,

Торикма ҳажридин кўнгим эмассен ёрдин айду.

Инсон қисматидаги мўжиза дейишга аризули бир ҳодиса ҳам шундай:

Ҳақиқий илм на бир вақт ва замон, на бир хол ва мақом билан шарафнамаслигини олимлар яхши билишди. Қўҳна Шарқнинг Навойдай даҳо санъаткорлари ижод оламида талқин ва талқин қилинган, ҳеч бўлмаса, илмнинг умумсавияси, янгилиги, таъсир кўчиши пухта ўйлаш керак. Навойшунослик тарихига нечоғлиқ қадиме интоҳ ташланса, умумий фикр-мулоҳазалар, тақдид билан ўзлаштирилган тушунчалар қуруқ илмбозликдан бошқа бир нарса эмаслигига инсон шу қадар қатъийлашади.

Навой шеъротида муваззам бир мувозанат, сўз билан ифодалаш қийин ички мутаносиблик бор. Унда ҳамма нарса жой-жойига, маъно-моҳиятдаги тадрижийлик Оллоҳ ва ваҳдат кўрагидан дилолат бериб туради. Бундан кўз юмиш шоир ақеъарини ҳамда идеалини бузиб Навойини Навойидан йироқлаштириш дегани бўлади. Қолаверса, Навой мансуб тарикки ағил, яъни иккибандийликдаги хотири Ҳақ эҳтиёжи ҳам унинг ўзини Оллоҳдан йироқ ҳис этишга изн бермасди. Улуғ шоирнинг таърифи, тафриди мавзусидаги шеърлари бу фикрнинг асосли далилларидандир.

Хулласе, иштирооин чин муришид, ғаму аламини буюк устод деб билган санъаткор борки, ҳаммаси Оллоҳнинг ишончли мурраббидир. Анишер Навой ана шунлардан бири ва энг қомилдан эди.

“Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 2013 йил 5-сон

РУХОНИЁТ ВА НАФСОНИЁТ ТАЪОДИ

I

Шарк тасаввуф адабиёти, энг аввало, рух ва рухоният адабиёти. Чунки рух яратикларининг энг софи ва энг порлоғи. У факат хайр, факат гўзаллик учун ҳаракат қилади. Англангани кийин, ҳатто имконсиз кўринган нарсаларни ҳам рух англашга қодир. Ғайб дунёсига рух йўл очади, ҳақиқат аҳлининг кашфи рух биландир. Мутасаввифлардан бири: “Рух, Жаноби Ҳақнинг “Қун” (“Бўли”) амри жалили билан пайдо бўлгани йўк. Агар шундай бўлганда эди, унда зиллат (настлик, тубанлик) аломатлари бўларди”, - дебди. Шунда унга: “Бундай бўлса, рух қаердан ва қандай яратган”, - дея савол берилганда у: “Жаноби Ҳақнинг жалол ва жамоли орасидан зуҳур этмишидир. Шу учун ҳам рух “Қун” амри ила майдонга келган ашёдати зиллат ва ноқисликлардан фориғдир”, - деган экан.

Бавзи калом олимлари рухни бир турли модда - нозик ва шаффоф жисм (жисми латиф) деб қарашган. Имом Ғазолийга кўра, рух маънавий бир жавҳар бўлиб, Қуръони қаримда ҳаёт бергۈвчи қувват, ваҳий, амр, Оллоҳнинг қаломи, раҳмат ва Жаброти каби маъноларда қўлланилган. Мумтоз шερриятда рух ҳақида, рухнинг ҳусусият ёки фазилатлари борасида ёзмаган шoirни топиш кийин, Чунки рухни билиш, рухоний ҳаёт учун ғамхўрлик қила олишга қадим-қадимдан инсон ўзлигини англаш ва танишининг туб асоси деб қаралган. Улуғ мутасаввиф Юсуф Ҳамданий таъкидлаганидек, “Рух аслларнинг аслидир. Одам вужуд ва аъзолари рух билан тирик. Рух борлиги паноҳида бадан кўради, биледи, эшитди, ушлайди, қоради. Рухнинг ҳусусият — фазилатлари туфайли доноликда қатъият, назарда фаросат ва ибрат, эпитишда ҳикматни англаш, эргатишда итоат, қорилида хизмат юзага келади”.

Рух моҳиятини англаш ва чуқур идрок қилиш кишини охи-оқибатда само одами ҳолатига етказади. Бунини Машраб биринчи байтда акс эттирган:

*Рухи жсоним ариса епти мен ўзум осмониман,
Дутти оламини шарорим, оташи сўзониман...*

Дароже, рух толиби бора-бора ўзини рухоний гўзаллик тифтини киффисиде хис қилдиган бўлади. Заҳириддин Муҳаммад Ғаббур рубоийларидан бирида шу ҳақда ёзган:

*Рухим яратиб эдинг лаофат бирла,
Қуднинг анга танни ҳамроҳ офат бирла.
Рухимни чу тан эвиза келтурдунг пок,
Мундин бори элтима касофат бирла.*

Рухнинг бош сифатларидан бири лаофат, яъни латифлик. Латифнинг офат ила йўлдошлиғи — рухга нафсининг яқин келтирилиши. Вужуд уйига жойлашган рух покизалигини бузувчи касофат эса яна нафедир.

Ҳиссинг назаримизда, Шарк тасаввуф адабиёти ва мумтоз фазолини билиш, уларда ёритилган энг мураккаб ва жумбоқли масъулларни ҳам тўғри талқин қилиш учун таъодий иккита тушунча маъно-моҳиятини чуқур тушуномқ зарур. Улардан бири — рух ва нафс. Иккинчиси — фано ва бако. Қадим даврларда айрим тармақларда булар **нафс илми, рух илми, фано ва бако илми** тарғиба ўратилган.

Адабиётини ўқиб-ўзлаштириш бош мақсад эмас, балки ҳамиша инсонга деб англанган. Чунки адабиётнинг дунёга келиши инсонни билиш, унинг ташки ва ички ҳаёти тўғрисидаги фикр-қарашларни янгилаб шаклларида акс эттириш эҳтиёжини ифодалаган. Бу йўлда қилинган натижаларнинг баъзилари саёз, ниҳоятда таҳминий таъдирларга асосланган бўлса, айримлари инсонни таниш, инсонни инсон “ойна”сида кўришга рабатлангирган. Буюк Нафсининг бир ғазалида:

*Нафсини ҳар қимса қим таниди, ул Ҳақни билур,
Дурифи Раб уйди ул қим, таниди тонди сабот.*

Англиз Уинбу байт “Нафсини билган, Раббини билур”, ҳадиси шариф асосида яратилган. Чиндан ҳам нафсини таниш ва билиш, Ҳаққа етунга қадар нимани англаш зарур бўлса, қомиллик нуқсонинг шакс шуларнинг ҳаммасини имкон даражасида назоратдан ўткази олади. Бу ҳадис икки шаклда шарҳланган. Биринчиси, маърифатлудлох орқали нафсининг моҳиятидаги

зидиятларни билгнш. Зеро, нафсининг мухтожлигини англаган, Оллохнинг ғанилигини тушунади. Нафсини залил, ҳақир кўрган Оллохнинг улғу ва азизлигига асло шак келтирмайди. Хуллас, нафсида бўлият (қуллик)нинг маънисини мушоҳада этган Оллоҳда рубобиёт (раблик, яратувчанлик)ни идрок қилади.

Ҳалиснинг иккинчи шарҳи эса мана бундай: Оллох инсонни ўз суваратида яратиб, уни ер юзига ҳалифа қилган. Суратни таниган, сурат соҳибини ҳам танийди. Инсондаги барча ёмонликларнинг икки манбаи бор: бири – шаҳват, иккинчиси – ҳаво ҳавас. Шаҳват вужуднинг барча аъзоларида ҳаракатланадиган ва тўхтовсиз равишда мақсадга етишни истайдиган бир завок қуввати. Шу йўлдан тўйгулар унга ёрдам беради. Меданинг шаҳвати – еб-ичиш, кўз шаҳвати – кўриш, қулоқники эшитиш, бурунники ҳидлаш, тил шаҳвати – сўзлаш, ақлиники эса рости ёлгон фикрлашдир. Мана шуларнинг барини билгнш ва ҳақиқатига етиш, наинки нафс, балки охир-оқибатда Раббини танишга хизмат қилади.

Тасаввуфий мушоҳада эса, аввало, нафсийдир. У олдин нафси, кейин вужудни тозалашни ўргатади. Агар инсон тўла маънода нафсини танимаса, унинг хийла ва тузоқларидан воқиф бўлмаса, рух ҳамда руҳоний ҳаёт ҳақида ҳам тўғри тасаввурга соҳиб бўлолмайди.

II

Тасавуфга доир айрим асарларда қайд қилинишича, рух вужуддан, яъни Ҳазрати Одам а.с.дан 4000 йил муқаддам яратилган экан. Бу сананинг тахминлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Суфий ва мутасаввифлар рухнинг ҳақиқати ҳамда хусусияти тўғрисида ҳам ҳар турли фикр-мулоҳазаларни илгари сурган. Абу Наср Сарожи Тусийнинг маълумоти бўйича улардан бир тўрух “Рух Оллохнинг нуридан бир нуридир”, - дея рухни зоти илоҳиянинг нури ҳисоблаб адашишган, бошқа бировлар эса “Рух ҳаёти илоҳиядан бир ҳаёт эрур”, - деб хато қилишган. Шунингдек, авомнинг рухи махлук (яратилмиш), ҳавосники махлук эмас”, “Рухлар қадимдир ўлмас, азоб чекмас ва қаримас”, “Рух руҳонийдир, малакутдан

яратилмиш, софлиққа эришгач, яна тақдор малакутга қайтади”, - дейдилар ҳам бўлганки, буларнинг ҳар бири адашиб, ҳаттога йўл кўринган. Лекин қимки Қуръони қаримдаги мана бу сўзларга таянган бўлса, ўзини ғалат фикр ва нотўғри тасаввурдан муҳофаза этган “Эл Муҳаммад, сендан рухнинг ҳақиқати ва қайфияти ҳақида сўрайдилар. Сен уларга жавоб бергилки, “Рух Парвардигорнинг мавжудлари (яратилгандан)дан бир махлук (яратик)дир. Унинг қайфиятини Худодан бошқа зот билмайди”. (Исро: 85-оят). Ана шу шайхон қўмға кўра бу мавзудаги тўғри тушунча шундай: Руҳнинг ҳаммаси ҳам махлук (яратилмиш)дир. Амри илоҳийдан бир нар эрур. Оллох билан рух орасида, рухнинг ўзининг мулкидан, ўзининг афри ва қаровида бўлишдан бошқа сабаб ила ёки нисбатда янвалик йўқдир. Рух таносиҳ этмайди, бир жасаддан чиқиб бошқача кирмайди, вужуд ўлим азобини тортгани қаби рух ҳам азоб чекмай. Хуллас, Одам а.с.нинг аносири арбаб – тўрт унсурдан бири эитилган жасадига Оллох малакутдан яратган рухни киритган: “Эл Муҳаммад (с.а.в), Парвардигорнинг малакаларига: “Мен Оллохнинг қора балчиқдан халқ қилгувчман. Вақтики, мен Одамни нафс қилсам, унинг жасадига рухни дохил этсам, ҳаммаларнингиз руҳи сенга қилиш учун йикилишлар”, - деган вақтни фикр қил” (Жабр: 29-оят).

Нафсини суфийлар вужуддаги латиф бир мавжудлик тарзида кўриб кўришганда, тасаввуфларида нафсининг моддий томони устунлик қилган. Буни ошқ-ойдин эътироф этилмаган бўлишса ҳам, нафс олганда жисмоний бир нарсани ҳаёлга келтиришганини сезиш қийин эмас. Лекин рухнинг ғайримоддий, вужуддан мустақил ва афр, вужуд нуқулса ҳамки, латиф бир борлиқ ўларок ўзининг нуқулмаслигини хусусида аҳли тасавуф ўртасида ихтилоф бўлмаган. Бу эа тасавуфда рух мавзuida жуда кенг ва изчил баҳс юритишга асослан ёрдам берган.

“Тасавуфнинг мавзуси, - дейди туркиялик атоқли олим С. Урғотон, “Рухдир. Бу ўринда рух қалимаси ўрнида Латифа, Сир, Нафс, Қаюб иттиҳодларини ҳам қўллаш мумкин. Зеро, рухнинг соф,

калбнинг пок, нафсининг тоза холга етказилиши "тажриба"си тасаввуфнинг ҳам мавзуи, ҳам максали эрур..."

III

Тасавуф таълимотининг ибтидоси рух ва нафс хусусиятларини аниқлаш, ўртадаги алоқа, зиддият, ихтилофларни ойдинлаштириб, уларни кўпроқ рамзий-маъжозий тарзда шарҳлашдан бошланган. Ахлокий-маърифий бу ҳаракат эса одам ўзлигини англаш нуктаи назаридан ҳам, унинг фикрий ва ҳиссий оламнинг адабиётдаги тасвирларини қалб нигоҳидан ўтказиш учун ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Ўзбек мумтоз адабиётида биринчилардан бўлиб рух ва нафс мунозарасини ёритган Сулаймон Бокироний бундай дейди:

*Нафсим айтув, садр ёнида ўлтурувон,
Турлук-турлук неъматларни келтурувон,
Ейиб-ичиб, туну кун қорин тўйдуровон,
Ёстук узра така қилиб ётойин дер.*

*Рухим айтув, туни кунни қатланувон,
Ҳақ маълум ризосини тиланувон,
Кул Сулаймон шук олмаса олганувон,
Ўзоқ-кечмиш эранларга етойин дер.*

Бундоқ қаралганда, ҳажжон ва ҳиссиёт, туйғу ва эҳтирос Шарк шеърлигида азим даражада мавжланиб оқди. Бирок бу шеърят деярли барча давр ва замонларда юксак маданият, теран илм ва маърифат заминларида илгарилаб борган. Чунки илм нури, маърифат завоқи сингмаган шеър – авом ўқийдиган, энг ёмон омийликни муҳофаза қиладиган шеър. Бунақа шеърларда ҳам жанр, вазн, қофия ва радиф – бадиий унсурлар бўлади. Бирок уларнинг муаллифида мустақил маънавий-руҳий киёфа бўлмаганидек, сўзларида бир ҳарорат таъсири сезилмайди. Авомлик, жўллик, тугёни ўқувчилар манфаатига зарарлигини ҳисобга олиб Абдурахмон Жомий мана нима деган:

*Шеър к-афтод қабули хотири ом,
Хос донда ки суси бошад хом.*

Мазмун: атом бандларга маъну тўтадиган шеърнинг бўи ва атом бўлишини бағид, табиати хассос, яъни хос кишилар, оқиллиги, билими жоиз.

Билгуд таъкидланган гап айни пайтда икки тоифа – онг ва нафснинг оғир, аниқ ва мушоҳадаси юксак ўқувчи тўғрисида ўйлашга аниқ далолат этиди. Зеро, адабиёт тараккиётини талантили, таллобчан ўқишнинг қалбга келтириш ҳавойийликдан ўзга ҳеч нима эмас. Ўқуш, оқилни ё жоҳил, дономи ёки нодон, бундан қатъий назар, ҳар бир инсоннинг шеър ўқиш, шеърни ўзича англаш ва баҳолашга алоқли бор. Бирок ўз аҳволи, фикр йўлини фахмлашдан йироқ зотлар шеърни қўл чўзиб, шеърдан баҳс юритишганда, ҳаттоки, улкан нафасдор ҳам оломон даражасига тортилади. Ўртамеъначиллик, яъни ади ва мезонларнинг бўзрилиши ана шу зайлда бадиий инсонни тоғлаб кетди. Гуё тасаввуфий ранг ва бўёқлар билан оқилланган, аслида мутасаввиблик ишқи ва рух изтиробларидан нафрум шеърлар шу фикрнинг илтибоҳсиз далилларидандир. Тасаввуфий шеър матиари талқиқи мавзуи бизда махсус ўқишмаганилигидан шарҳ ва талқинчиликда йўл қўйилган ҳаттою нафислар ҳам назардан четда қолиб кетмоқда.

Шайх Суҳравардийга кўра, "Тасаввуфнинг бошлангичи илм, ўқуш амал, охири мавҳиба. Мавҳиба Ҳақ ҳадиси бўлиб, Оллоҳ қўлини қўлига бахшида қилдиган қалб очиклиги ва бойлигидир".

Тасавуф темасида яратилган шундай шеърлий матнлар борки, онг ва нафснинг амалга, амал ва тажрибанинг мавҳибага қўлини қўлига бахшида қилдиган қалб очиклиги ва бойлигидир. Тасавуф ҳеч нарсасга эришиб бўлмайди. Зеро, шеърдан тасавуфда, тасавуфдан шеърга бориш учун ҳам тасавуф таълимотидаги истилоҳ ва тасмоллар мазмунини "қатлам ба қатлам" англаш керак.

IV

Алишер Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонидати ғазаллардан бири:

*Гар фано расмин қилмоқ тишар эрсанг мазмун,
Нафс ила руҳни зинҳорки қилма махлун, -*

матлаби билан бошланади. Байтнинг асосий мазмуни бундай: фано расм-равошнинг агар эгалдайман десанг, нафс билан руҳни ҳеч қачон бир-бирита қўшма, яъни аралаштирма.

Нафс, руҳ, фано, бако калималарининг маъно-мазмуни бизга гўё ёд бўлиб кетгандай. Уларнинг луғавий маъноси шундай дейишга асос ҳам бериши мумкин. Аммо истилоҳий, ирфоний мазмун ушбу калималарнинг ҳар бири устида алоҳида тўхталлиш, муаллиф мақсадига яқинлаштирувчи тушунча, маълумот ва шарҳлардан хабардорликни талаб қилади.

Рух ҳақиқий гўзаллик, нафислик, самовий завқ ва эркинлик тимсоли. “Рухнинг моҳиятини изоҳлаш, - дейди Имом Ғаззолий, - унинг ўзига хос хусусиятларини англаш гоҳ хайратланарли ва кўп қаройиб ишлардан баҳс қоритиш демак. Рухнинг асосий сифатлари завқ, софлик, басират, ғафлатда қолмаслик, сирот қуввати, ашёдан тугиладиган ғам-аламни қабул қилмаслик”.

Маълумки, инсон ҳам илоҳий, ҳам башарий, ҳам мутлақ, ҳам муваққат бир мавжудлик. Унинг тўрт унсур – тулпроқ, сув, ҳаво ва оловдан яратилганлиги ҳисобга олинмаганда ҳам у ўзаро қарама-карши икки қуддан таркиб топгандир. Шунинг учун башарий ҳис, майл, эҳтиёжлар гирдобига тушиб, руҳ ва руҳий ҳаёт билан чуқур қизиқилмаса, нафс ғалаёни ва исёндан вужуддани мусалфат фазилатлар ё мажруҳланади ёки бутунлай барҳам топади. Сувратдан сийратга бориш, сийратга суяниб суваратни тасвирлаш бу – маврифат белгиси, яъни басират очкилиги. Мана шундагина куйидаги сингари “маълумот”лар кўнгилга акс-садо уйғотади:

*Рух ул нурудурки, Ҳақ анга бермиш авж,
Нафс зулматга қолиб, қилмиш анга ной ҳубул.*

Бундан олдинги байтда Навоий нафси – нафс, руҳни эса руҳ деб билгил, деган бир кўрсатма берганди. Ўша кўрсатмага қайтиб,

нафс ила руҳни ажратувчи хусусиятлар яна ҳам аниқлаштирилмаса, ўқувчинимиз байт калитсиз қулфга ўхшаб тураверади.

Нафс луғатда руҳ, жон, жасад, қон; бирор бир нарсаннинг асли, жавҳари, ўзлиги каби маъноларда шарҳланган. Бу сўз ёлғиз Шарқдамас, Ғарбда ҳам алоҳида қизиқиш пайдо этган. Тасаввуф психологиясини тадқиқ қилган профессор Роберт Фратер ёзди: “Тасаввуф психологиясидаги энг фаол қўлланилган терминлардан бири нафс, яъни менликдир. Бу термин баъзан “эго” ёки “руҳ” деб ҳам таржима қилинган. Нафснинг бошқа маънолари орасида “ўз” ва “нафс” ҳам ўрин олган. Сўфий ижодкорларнинг кўпчилиги қисми нафс сўзидан ёмон ҳулқлар ва тубанликларни ифодалашда фойдаланишган...”

Назаримизда, ғарблик тадқиқотчининг куйидаги мулоҳазаси илмда қизиқарли: “Нафснинг илдири ҳам баданда, ҳам руҳда ўрнашганини туфайли у моддий ва маънавий хусусиятларга соҳибдир. Бошланғичда унда моддиёт ҳокимлик қилса... Олпохта менлашиб, табиат ўзгартач, унинг дунёга ботганиши бутунлай севиниб кетали”. Бу янги гап эмас, балки эски сўфий ва мутаассииф алломалар айтган ҳақиқатнинг бир ифодаси. Ғарб олимлари алоҳида-алоҳида анча тегин ўзлаштирган ишк ва ирфон сирларидан беҳабарликка кўникишимиз афсусландарли, албатта.

Нафснинг зулматга чулганиши нимани билдиради? Бунини факат нафсини таниган, нафса қарши қуралиш “тажриба”сидан хабардор, маломат ҳолига соҳиб қилилгангина билади. Лекин тилда нафсини айбонлаш ва таҳқиқлаш билан ҳеч қандай ёмонлик ёки нуқсон бирҳам топмайди.

“Нафси севиш энг муҳташам бутдир. Ўзга бутлар унинг нисбатисда пайдо бўлади ва қолган барчасини угина яқсон айлай олади”,- дейди Азизиддин Насафий. Демак, донишманд шоир Муҳаммад Ризо Оғахий:

*Рухимни ҳаммаша нафсага қолиб эт,
Нафсимни ҳаммаша айла мағруб менга.*

деганида маънавий бутунлиқнинг ўзак нуқтасига диққатни қаратган. Навоийнинг “Рух ул нурудурки, Ҳақ анга бермиш авж”,

дейиши рухнинг нурдан яралганга ишорадир. Бандаси шу нурга ошфталик ва ғамхўрликни канча оширса, Ҳақ унга ўшанча куч ва илҳом беради. Нафсда эса ҳаммаси нисбатан бошқача: у бужаламунлик сифатига эга. Ҳар он, ҳар лаҳзада ўзга тусга кириши, исталган бир пайтда ишни бўзиб, соҳибини ҳаёлга келмас шумликларга йўллаши ҳеч ғалмас. Чунки тасаввуфшуносликда таъкидланганидек, **“Нафсининг барча хулқ ва сифатлари икки нарсдан тугилди: биринчиси, ҳафифлик, яъни енгиллик, иккинчиси, очкўзлик ва эҳтирос. Енгиллик унинг эсҳолатидан, очкўзлик ҳирсидан нозага чиқади”**. Хуллас, нафсининг зулматпараслиги, бекўним ва қаноатсизлиги уни шайтонга айлантирган:

*Рух раҳмони эрур, нафс эрур шайтони,
Иккисин бир-бирига қўймоқ эмас тур махтур.*

Шайтонийлик тарихи ҳам жуда узоқ бир тарих. Навоий шу тарихни эслатиб ёзди: “Одам билан шайтон мухолифотини унутма. Отангин биҳиштдек маъмандан (тинч, хотиржам жойидан) жало килди (ажратди). Ва отанг авлодидин баъзи анга интиком туздилар ва хору забун қилиб жафолар кўргуздилар. Нафсини чун такво риёзати билга зеридаст қилдилар – Шайтонни зағиллик (хорлаш) билга ерга паст қилдилар”.

Модомики, нафсни зеридаст қилиш шайтонни енгтиш экан, инсонга унинг таъсир ўтказиши қандай аниқланади? Бир неча олимларнинг фикри бўйича, ўша таъсир нафс ва рухнинг ҳаракатидан ҳосил бўлади. Чунончи: нафс ҳаракат бошлаши ҳамон, унинг жавҳаридан бир қоронғилик қалқиб чиқади ва қалбдан ёмонликка бошловчи бир йўл ахтаради. Худди ана шу пайтда шайтон қалбни мўлжалга олиб фаолиятга киришади. Рух ҳаракатидан эса унинг сифатига мувофиқ бир нур таралиб, ундан олий маъно, ноёб ҳислатлар туғилар экан. Рухнинг раҳмонийлигига сабаб шу.

Ростини айтганда, инсондаги барча адашш, қатта-кичик фтоҳларнинг тамали рух билан нафсни бир-биридан ажратишни билмаслиқда. Акс ҳолда, Бобур Мирзо нафсни ич-ичдан танишга танишник ойловчи мана бу сўзларни битиб қолдирмасди:

*Нафсининг қасбидур ҳавоу ҳавас,
Рух оқидадур булар ярамас.*

*Нафс душман дурур ақш билгил,
Дўстум, бу сўзумни чин билгил.*

*Душманедур азарчи ўтру эмас,
Леб бир лаҳза сендин айру эмас.*

*Гарчи зоҳирда тўғридиндур нафс,
Жамъинг ўйида ўғридиндур нафс...*

Билан ҳисни, нафс ҳавову ҳавасни нечоғлик сева, рух ақл ва ирфонни улардан ҳам ортқироқ яхши кўради. Рухдаги тўғрилик нафсда нуқс. У ваҳдат – бирликка эмас, қасрат – қўлликка толиб. Унинг ўнрига ўхшаши, зоҳирда тўғрилиқни ёқлаб, амалда эғрилиқ ни нифоққа куч сарфлаши мана шундан. Бобур нафсининг душманлигига ҳеч шубҳаланма, “Дўстум, бу сўзумни чин билгил”, - дейди. Ҳақиқатда шундайми? Нафсни ҳаминша ғаним деб билгил, уни тўғтовсиз маломат қилиш керакми?

“Нафс ва рух орасида, - деб ёзди Шайх Суҳравардий, - оқилдин бир севаги бўлган. Бунинг сабаби нафсининг аёллиги (унусет), рухнинг эркакчилиги (зуқурат)дир. Молда оламида Момо Ҳаво Одам Атодан яратилганидек, қудрат оламида нафс ҳам руҳдан яратилган эди. Нафс ва рух ўртасидаги унсирт ва улфатлашувининг яқини мана шундир. Чунончи: нафс хайвоний бир руҳдирки, рухоний руҳга жонлашуш шарофати туфайли унинг жинсийатини эғаллаган”. Бундай унсирт ва эврилиш камдан-кам одамга насиб айлаган. Навоий айтган мана бу фикр ҳам бунни тасдиқлайди:

*Рухга шева Қалимулло ишн қилмоқ фоти,
Нафс фиръавлиқ асбоби айнаб марбут.*

Пайғамбарлар рух пешволари. Нафс эса фиръавлиқ йўлининг сарбони. Нафсдаги бу манманлиқ, худкомлиқ сирини Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий шундай шарҳлайди: “Нафсининг бир сирри бордирки, Фиръавндан бошқасига у зоҳир бўлмаган. Шу боис у “Мен сенинг буюк роббингман”, - деди. Нафсининг етти самовий ва етти заминий хижоби бор. Кул нафсини ерга на қадар чуқур кўмса, шу даражада кўкка юксалади...”

Бу мулоҳазалар нафсни янада чуқурроқ билиш, нафса тегишли маълумот ва ҳукмларни яна ҳам теран ўзлаштириш истагини кучайтиради. Тасаввуф руҳшўнослигида белгиланишича, инсонда етти турли рух (нафс мартабалари ҳам еттига) мавжуд. Булар: 1. Маданий рух. 2. Наботий рух. 3. Хайвоний рух. 4. Нафсоний рух. 5. Инсоний рух. 6. Сирли рух. 7. Энг сирли рух.

Ушбу руҳларнинг бош хусусияти, сифати, вужудга таъсири, асосий фаолияти қабилар борасида маълум бир тасаввур ҳосил қилмай одамнинг илоҳий ишқ мақомига қандай нол бўлишидан сўзлаб бўлмайди. Ўзинча рух илми билан қизиккан киши эса онг, ақл, кўнгул ва руҳни пайғамбар севгиси қандай мунаввар айлашини осон тушунади:

*Рухга даъво Ҳабибулло ишн ойини,
Нафс Вужаҳишқ асбоби айнаб мабсуд.*

Махобатли, кўркам бино қуриш учун, албатта, кенг ва катта майдон керак. Ўзини англаган бутун шахсни қамол топтириш учун ҳам кенглик зарур. Бу кенглик, энг аввало, рух ва руҳдадир. Шунинг учун муштор шоирлар қомиллиқ тушунчасини ёритишда руҳга, руҳнинг нафс билан муносабати ва зиддиятларига кенг ўрин ажратилган. Ўтмишда яшаб, ижод этган улкан санъаткорларнинг шеърияти, таъбир жоиз бўлса, рух ва руҳоният заминидан ўсиб чиққан шеърият. Очиги, бундай шеъриятнинг гўзаллиқ сир-асрири ва тўб моҳиятини биз қам биламиз. Чунки рух нафсини хис қилиш, рух оҳанги, ранги, шавқи ва мусаффолиги билан яшайдан анча йироқлашганмиз. Навоий «Лисон ут-тайр» достонида Худдул

тинидан қимқи эр, яъни мард ва матонатли бўлса, нафсониятни енгиб ўз зоти – моҳиятида руҳониятни ғолиб айлайдики, шунда у чинқам поклик шарафига етишди дейди:

*Уйдур эрқим саиб этиб нафсоният,
Ғолиб этгай зотига руҳоният.
Хар кишида бу шарф бизот эрур,
Ул киши поху шариф авқот эрур.*

Рухониятнинг нафсоният устидан ғалаба қилиши қомиллиқ йўлининг ниҳоясидир. Бунга эришмоқ учун икки қуч – рух ва нафс орасидаги муросасиз қурашнинг сабаб ва эҳтиёжларини мушоҳада қилиш зарур. Рухнинг қамоли ва шахсиятнинг бутунлашувида шундан сўнг бир умид билан қараш мумкин бўлади. Муштор шеъриятининг меҳаридати масала ҳам мана шу эди.

2014 йил

ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ – ҲАҚИҚАТ ТАРИХИ ЭРУР

Им-фан тажрибаси аслини олганда бири-биридан янги, бири бошқасидан фойдалан илмий натижага эришмақдир. Мана шунинг учун ҳам бутун дунёда илмнинг қуч-қуввати ва олимлик мартабасига алоҳида бир эътибор билан қараб келинган. Бу дегани – илмдаги чағгиш ва чағгитиш, олимликдаги хийла ва сохтакорликдан кўз юмиш дегани эмас, албатта. Оташтин рус шоири М. Ю. Лермонтов қучли бир ижтимоий ҳасрат билан ёзилган «Уларим» номли шеърида «Умиримизни сўрди самарсиз фан», дейди. Самарсиз фан – хар турли мафқуравий ё моддий ғараз ва даянога асосланган бефойда бир фан ҳисобланади.

Им-фан тарихи бундоқ назардан ўтказилиб, қилинган илмий тадқиқотларнинг сарати-сараққа, пучаги-пучаққа ажратилса, уларнинг яроқлисидан яроқсиз, кераклисидан кераксизининг қилини хар қандоқ кишини хайрон қолдиради. Илмбозликдан етган ва етаётган зарарнинг ҳисоб-китобини қилишнинг эса ҳеч нақсон йўқ.

Узоққа бормайлик, шўро давлати ҳукм юритган даврда илтимоний фан соҳаларида ёзилган мақола, китоб,

диссертациялардан канча кисмини бўлун яроқли дейиш ёки фойдаланишга тавсия этиш мумкин? Гапириб жуда ноқулай. Муштакиликкача неча юзлаб мақола, ўйлаб китоб чиқарган мунаккид ва адабиётшунослар бўлган. Ўша асарлар орасида ҳатто номини тилга олиш ҳозир ноқулайлик туғдираётганлари ҳам бисёр Мухаммад Пайғамбар (с.а.в) бир ҳадисларида “Ёлгон илмдан сакланинг!” дея марҳамат қилган эканлар. Ёлгон илмдан тийилгиш ва сакланишнинг иложсизлигини йиллар ёки замонлар эмас, балки асарлар ҳам афсуски тасдиқлаб турибди. Шунинг учун Хожа Аҳмад Яссавий, Фаридулдин Аттот, Жалолиддин Румий каби валий зотларнинг ҳаёти ва ижодиёти ҳақида ҳам кўп уйдирма ва тахминий гаплар, ҳақиқатга ҳеч мувофиқ келмайдиган фикр-мулоҳазалар эълон қилинган.

Шарқнинг улут мутасаввиф шоири Мавлоно Жалолиддин Румий таваллудининг саккиз юз йиллиги муносабати билан Туркияда кўлаб илмий ва илмий-оммабоп китоблар нашр этилди. Шунлардан бири Ҳусон Нури Кўчук деган олимнинг «Мавлоно ва ҳокимият» (Кўнэ, 2007) номли китобидир. Қанча вақт, қанча куч сарфлаб ёзилган бу китобни ўқиб, очинти, мен жуда таажжубландим. Чунки унда Румий мўғул ҳукмдорларининг «жосуси» киёфасида кўрсатилиб, унинг «айёқчи»лиги «факт ва далиллар» орқали гўё фош қилинган. Илм дегани инсонни нахотки шунақа ишларга илҳомлантирса? Нахотки, китоб ҳақида ҳеч бир киши ҳеч нима демаса, деб ўйладим. Хайрият унга танкидий муносабат билдирилиб, ҳолис фикр айтилган мақола¹⁸ чоп этилди. Мақола муаллифи Аҳам Жабаши ўғлининг ҳулосаси эса мана бундай: «Бу асарга («Мавлоно ва ҳокимият»)га дейилмоқчи – И.Х.) қарши матбуотда хозиргача бирор бир нарсачиқ қилгани йўқ. Жабаб берилиши, бизнингча, ақлдан ҳам эмас. Чунки муаллифнинг манбаларни онгли равишда бузиб, қорани оқ қилиб кўрсатишга қасд қилгани жуда аниқдир...».

Оқни қаро, қароли бемалол оқ дейишнинг илмга нима алоқаси бор? Қандайдир ховлиқмалик, ҳатто телбалликка яқин бир ҳолатни

ифодалайдиган бундай «таджикот»ларнинг пайдо бўлишига бош сабаб нима? Худди шу саволга турк олимнинг қуйидаги сўзлари бир жавобдир: «Мавлонони англашга ҳар бир кимса ёки мазҳаб вақили ўзи билганча, ўз савияси даражасида мулоҳаза қоритмоқда, тилкини қилмоқда, яъни унинг инсоний ва ижодий киёфасини бузиб кўрсатмоқда. Бу эса улар назаридати Мавлоно билан ҳақиқий Мавлоно орасида жарлик, чиндан ҳам хавфли бир номувофиқлик қилишнинг акс эттириётди...».

Шунга монанд фикрни биз навоийшунослик ҳуусида ҳам илтишимиз мумкин. Зеро Навойини асил Навойидан ифроклаштирувчи ишлар ҳуусан шўро замонида кўп ёзилган. Бунинг туб сабаби ва асосларини шартли равишда мана бундай таънифлаштириш мумкин: 1. Сиёсат ва мафкура талаби туфайли туқилган ёлгон ҳамда тайриқимий мулоҳазалар. 2. Тарих, дин ва таълимуфрин ва эски фалсафани билишни истамасликдан юзага чиққан уйдирмалар. 3. Дин, савия ва дунёқарашнинг паст ҳамда сўзсизлидан туғилган тамалсиз фикр-мулоҳазалар. 4. Ўзига – ўзи қисооб бермаслик, яъни омиёна ўзбошимчалikka берилиш маҳсули уларок илгари сурилган ясама гаплар. Ўзини бу тасниф, балки, тўла оқламай. Бироқ навоийшунослик тарихи пухта текширилса, улардан кеч қайсиини бўтуғлай рад қилиб бўлмаслиги, ўз-ўзидан, равшанлишини муқаррардир. Навойини ўрганиш маъсуллати эса бул қўйилган ҳатони ўз номи билан аташ ва ундан кўз юммаслик зарурлигини асло истисно қилмайди.

Им, аввало, далил ва мантিকা тавниши маълум. Бироқ қайма далил ва мантик ҳам ҳақиқатга хизмат этмаганидек, факт ва далил соҳибдорининг мулоҳазалари бетайин эмаслигига гоҳо ҳеч қим қиёлат беролмайди. Айниқса, Фарбу Шарк адабиёти ориентали ўзаро таъсир ва ўхшашликлардан баҳс қоритганда, ёлғиз билини ижол билан чечараланмасдан, ижтимоий-маданий муҳит, дин, сиёсат, ҳуқуқ қабиларни ҳам назардан қочирмаслик лозим. Чунки дин, сиёсат босими ёхуд мафкура измидан чиқолмай қолган инжолкор ҳатто у улкан талант бўлганда ҳам, ҳолис қабул қилиб

бўлмайдиган фикр ва ҳужмларни ўртага ташлаши мумкин. Бундай пайтда муаммо илдизига етишни унутмаслик керак.

Ўзининг менлиги ва башар табиатини етарли зайдда танитган ижодкор борки, Ғарб ва Шарқ зоҳирда ҳам, ботинда ҳам бир-бири билан боғланганлигини, бирини иккинчисидан ажратишнинг асло илжожи йўқлигини мукаммал билди. Улуғ немис шоири ва мутафаккири В.Гётте айнан шундай микёс ва юксақлиқда фикрлаган шахсиятлардан эди.

Дунё тамаддунининг қадим маркази бўлган Шарққа Гётеннинг муносабати, мусулмон илм-фани ва маданиятига қизиқиш, Румий, Ҳофиз, Саъдий сингари бир катор беназир сўз санъаткорлари шеъринини кунт билан ўқиб ўрганиб, шу шеърини тавсирида шеърлар ёзгани тўғрисида турли халқ талқикотчилари жуда кўп асарлар яратилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Шарқ бадиий-ирфоний меросига Гётте диққат-эътиборининг теранлашуви, унинг бевосита ислом дини ва ҳазрати Мухаммад (с.а.в) ҳаёти, шахсияти, оламшумул фаолиятини билиш иштиёқи билан боғлиқ. Гётеннинг Шарқ ва исломга меҳр учқунларини файласуф ва адиб Гердер оловлантириб юборган экан. Гётте Курьони Каримнинг лотинча, олмонча таржималарини ўқиб кўп мушоҳада қоритган ва Курьон оғиллари маъно-моҳиятидан дили завқ олиб, улардан баъзиларини ўзининг қарашларига мувофиқлаштириб шарҳлаган.¹⁹

Йигирма уч ёшларида ёзишга киришиб, аммо тўғаллаб билмаган “Ҳазрати Мухаммад” драмасидаги бир лавҳада қаҳрамони тилидан у шундай деган экан: “Мен Оллоҳни ҳамма жойда мушоҳада этаман: сассиз оққан бўлоқларда, янги тулпатан дарахтларда, ишк оловларида факат У билан юзлашарман...” Бу гаплар йигит чоғларидаёқ Гётеннинг Курьони карим тавсирида тасаввуф таълимоти ва ваҳдати вуҷуд тушунчасидан ҳам анча яхши хабардор бўлганлигидан далолат беради. Бунда қарийб пирдай йўл-йўрик кўрсатиб, маънан Гёттега раҳнамолик қилган даҳо ҳеч шубҳасизки Жалолиддин Румий эди.

“Маснавий” дебючасидаги “Тингла, найдан...” дея бошланадиган ўн саккиз байт билан дейди, – Ў.Саноид. – Гётеннинг “Ғарбу Шарқ девони”даги “Вуслат” шеъри маъно ва моҳият эътибори билан бир-бирига нисбатда монанд.²⁰ Уларнинг

иккиласида ҳам яратилиш, айрилиқ, яшаш дарди, ишк ҳасрати ва нусратдан баҳж юритилгандир.²¹

Ўғри, руҳоний асослари, маънавий-ахлоқий ва диний нуктан назар эътибори билан Шарқ Ғарбдан, Ғарб эса Шарқдан фарқланади. Кенг кўламда муқоаса этган файласуф шоир Мухаммад Икбол:

Шарқ, Ҳақро диҳу оламро надид,

Ғарб, дар олам ҳазид, аз Ҳақ рамид, –

дейди. Яъни: Шарқ Ҳақни таниди-ю, дунёни танимади. Ғарб дунёни седи, аммо Ҳақдан кўрқиб ўзини четта тортиди. Албатта, Оллоҳга қўнғил боғлаган минтақа одамлари билан, муҳаббати моддий оламга йўналтирилган кишилар дунёқарашда сезиларли фарқлар бўлиши табиий. Бу каби нозик фарқлар билан қисқолган турли ижодий ақинлик, қандайдир адабий асослардан сўзлаш умуман ўзини оқламайди. Бундан ташқари, мисрибонага қайсидир қадим соҳибини зўрма-зўрақилик ила таъриқлагани бир шоир ё адибга ҳамфикр, руҳдош ё мусоҳиб этиб кўрсатишга уриниш ҳам илмдан эмас. Бизнингча, “Данте ва Навоий: юксақ фазоларда учрашув”²² номли мақола маъкур фикрнинг характерли мисолидир.

Сиртдан қараганда, хоҳ ерда, хоҳ фазода бўлсин Данте ва Навоийнинг ҳаёлий учрашуви илм ва ижолга ақин ҳеч бир қимсага эътироз кўтарамайди. Чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам миллий тил тиллари, адабиёт раннақи, юрт ва миллат бутунлиги учун матонат билан кўрқиб жажон адабиёти шохсупасидан жой эгаллаган дохий шоирларидир. Дантеннинг дард, изтироб ва армонларини Навоийнинг билан, Навоийнинг ғам, алам, қайғуларини ўлмас итгани шориники билан қисқалганда Данте ўзбекнинг Навоийсига, Навоий эса италянларнинг Дантесига ўхшаб кетиши қоч қолмас.

Атосин оғар олними Комил Вагнєва кўра, “Даҳо санъаткор Антєер Навоий “Муҳокамат ул-дугатайн” асарида тилини тилининг ўзи билан, хусусий табиати ва ўз бойлиги билан шарҳлаб ёритилишини йўлини кўрсатган эди. Айни шунини италян тили учун

¹⁹ Саноид Ў. Кўрсатилган китоб, 85-бет

²⁰ Саноид Ў. Данте ва Навоий: юксақ фазолардаги учрашув. “Жаҳон адабиёти” жур. 1998-йил 3-сон

Данте ҳам амалга оширган”.²³

Инсон ички ҳаёти, мураккаб, оғрикли кечинмалари, айниқса, мавҳум туйғулардан тушунчага ўтиш ҳолатларини тасвирлаш усуллари Навоий ва Дантеда нисбатан бошқа – бошқа бўлса ҳамки, руҳ ва тафаккурни бемурувват давр, каттол замон кафасидан кутказиш муддаоси улар идеалидати бир ҳаракат ўзани эди. Бу икки даҳо ижодкор асарларидан бир-бирига нечоғли яқин ва ўхшаш жихат ё ифодалар топилмасин, улардати имон-этиколга тегишли тафовутни тан олмаслиқнинг ҳам асло иложи йўқ. Агар масаланинг шу томони четлаб ўтилса ёки унга керакли даражада аниқлик киритилмаса, мавзу ва ифода ўз-ўзидан ҳаққониятини бой беради.

Мақола муаллифига кўра, Данте ва Навоийни замон, вақт, масофа, “бўтқул ўзга диний-маданий катлам” ажратиб турса-да, аммо улар учрашадиган умумий майдон бор. “Бу майдон академиклар Н.И.Конрад ва В.М.Жирмунскийларнинг фикрича, Шарку Ғарб учун муштарак ҳодиса бўлган Ренессанс, яъни ўйғонишдир”.

Аслида эса, Навоийни Дантедан ажратадиган “умумий майдон” худди ўша Ренессансдирки, ислом дини ва маданиятига тегишли кўлдан кўл нарсата қарши чиқиш унда умумий бир мақсад тусини олган.

Дунёга танқилли олимон файласуфи ва адиби Ф.Нитшенинг хулосаси бўйича, “Ренессанс – тушунарсиз бир ҳодиса, улкан самарасизлиқдир”.²⁴

Айрим мусулмон олимлари кескин танқид қилиб, кофирликда айбланган тўрт-беш файласуфни насероний динини қабул қилишга тайёр дея мактовга лойиқ кўрилгани инобатга олинмаса (“Илоҳий комедия”да *Ибн Сино ва Ибн Рундога ўрин ажратилган* – И.Х.), ренессансчилик ислом илм-фани ва маданиятидан юз бўришни тарғиб ва ташвиқ тамойилига айлантирган.

Европада ислом тарихи талқикотчили сифатида танилган профессор Монтомере Уотнинг таъкидлаши бўйича, ўрта

асрлардати Европада хос бир ҳолат, яъни XII – XIV асрлар давомида ислом динининг ҳақиқий киёфасини бўзиб кўрсатишга бўлган “Европанинг ислом дунёсидан ўзини ажратиб, юнон ва румо килесик мероси ила ўзини қандай ўртага олиб чиқганини Данте иник ифодалаб берган. Унинг “Илоҳий комедия”сидати айрим тушунчалари исломий манбалардан олинган. Данте Европанинг “ислом философиялари қаршисидаги бурчини яхши фарқларди. Бирок унинг асарида диққатни энг кўп торталдиган жихат исломнинг қамситилишидир”.²⁵

Хўш, ислом ва Муҳаммад (с.а.в.)ни таҳқирлашга Дантедай мутифаккир санъаткорни инонтирган қуч ва асос нима эди? Хорижлик бир неча талқикотчиларнинг умумий этирофига кўра, қудратли маданият ва маърифатга соҳиб бўлган ислом дунёси Х ғардан эътиборан XVI аср охиригача қадар бутун Европада ўз таъсирини ўтказиб билган. Бу илмий-таълимий ва маърифий таъсирнинг марказий майдони, ҳеч шубҳасизки, ислом дини эди. Аммо у ўзининг мутлақо янги бир дин эканлигини даъво қилмаганидек, ўзидан олдинги ваҳийликка асосланган таъхид таълимотини давом қилдирганлигини ҳам сир сақламаганди. Зеро, таъхид инончининг ҳаётийлиги ва давомийлиги мусулмончиликнинг тебранмас тушунчаларидандир. Бунга алоҳида ўрн бериш маъносиди Кўрьони Карим Ҳазрати Одамдан бошлаб то Хотами анбёе Муҳаммад (с.а.в.)га қадар бўлган пайғамбар тарихи ва турли қавмлар ҳақида ўзига хос тарзда маълумотлар беради.

Ислом дини тарих саҳнасига чиққан VII асрда насеронийлик Европанинг ўрталаридан Араб яриморилигача тарқалган дин эди. Насеронинг қисқа бир муддатда араб мушриқлари ва Шарқ насеронийлари орасида ёйлиши, табиийки, рақобат туйғусини оёқлантирган. Дунёдаги бошқа динлар билан қислағанда, зўр бир теълик билан тарқалган янги дин Муҳаммад Мустафойнинг ифтиодидан юз йил кейин Шимолий Африка, Эрон, Ироқ, Сурия, Африқонистон, Ондаўлига қадар кириб борди. Бундай ҳодиса

²³ Валиев К. Сўз сехри. Баку 281 - бет.

²⁴ Нитше Ф. Дажвол. Християнликнинг танқиди. Истанбул, 2008. 81- бет

ғанимлик хисийетини кўзгаши ҳам англашилди. VIII-IX асрларда Европада Исламга қарши ҳаракат баҳс ва мунозара шаклида кечган бўлса, ўрта асрларда энди муросасиз душманлик макомига кўтарилгандир.

Аслини олганда, санъат ва адабиётнинг моҳиятида турли ирк, миллат вакиллари бир-бирига қайраб, қарши қўйиб, содда, инонувчан қоракларда душманлик уруғини кўкартирадиган бир нима йўқ. Қарама-қаршилиқ ва ғанимликнинг замини — тор ё бир ёклама англашда, бузук дунёқарашда, ғовий ҳамда мафкуравий заҳарланишда. Ғарблик азбаройи ғарблик бўлганидан шарқликка адоват нитоҳи билан қарамагандек, шарқлик ҳам азбаройи Шарққа мансублигидан ғарбликларга паст назар ила боқмайди. Дин тақдири ва раънақи ёлғиз дин раҳбару арбобларига боғлиқ бўлмагани туфайли фикрий-эътиқодий қураш ва олишувларда сиёсат, илм-фан, адабиёт, санъат вакиллари ҳам аралашипшган.

XII-XVI асрлар оралиғида Ғарб оламида ислом ва унинг пайғамбарига қарши ёзилган асарлар мусулмон олимлари томонидан махсус ўргангилган. Ўша асарлардан айримларида пайғамбар сеҳр йўли билан инсонларни ўзига олдириб олган, нафс ва шаҳватга қуллиги боис қўп бора уйланиб, издошларини ҳам шунга унлаган, душманларига қарши нихотда шафқатсиз, христианликни бус-бутун йўқотишга бел боғлаган бир сохта расул, Исон Масихнинг душмани киёфасида кўрсатилган экан. Хуллас, бунақа мазмундаги китобларни қўп сонли ўқувчиларга ўқитишдан қўзланган умумий мақсад ислом динининг илдиэига болта уруш учун, аввало, унинг асосини яроқсиз кўрсатиб, кўркүв ва нафрат уйғотадиган образини яратиш эди. Бас шундоқ бўлгач, Данте каби тафаккур паҳлавонига ҳам инонувчанлик панд берган бўлиш эҳтимолдан йироқ эмас. Масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам бор. Илмда ифодаланишича, "Инжил" инсон заифлиги, "Қуръон" эса инсон қуч-қуввати асосида яралган. "Инжил"да одам қаровсиз: ёрдамга, раҳм-шафқатга муҳтож ва ҳар турли зулмга гирифтор эрур. "Қуръон" эса одамни салтанат учун сафарбар айлаб, уни яна ва яна қучли бўлишини талкин этади".²⁶ Данте шу ҳақиқат ва моҳиятнинг ҳазм қилолмаган бўлиши ҳам мумкин. Бизнинг

назримизда, туб-тубигача ҳусумат ва адоватдан иборат диний-сиёсий ғарбиёт ва ташвиқотлар Дантени сеҳрламаганида, "Илохий комедия"нинг йигирма саккизинчи кўшиғида Оллоҳнинг сулокли пайғамбари Мухаммад Мустафо (с.а.в.) ва жасорати тилларда дoston бўлган ҳазрати Али тўғрисида энг оғир тухмат сўзлар битиб қолдирилмасди. "Ушбу кўшиқда (йигирма саккизинчи кўшиқда — Н.Х) тасвирланган зотлар инсонлар орасида низо ва нифок соғлангиса айбланади. Уларнинг жазоси ўзига хосдир; маҳкум бир доира бўйлаб тинмай айланади, бир нуктага етганда иблис уни шамшир билан ёриб ташлайди. Маҳкум доирани яна айланиб келгунча қалар жароҳат битади, ўша жазо эса яна такрорланади. Бу ерда Данте Мухаммад пайғамбар, Ҳазрати Али, Медичи, Курион, Москва, Бори сингари зотларни учратади.

"Мухаммад нечоғ бад, бир назар солгини!

Қаршида юрган зот бенаво Али,

Боши қоқ иккига бўлинган, хорган,

Бундаги маҳкумлар ҳаёт маҳали

Жаҳонга солгинди нифоқ ва низо.

Энди жазо тортар, келмишдир гаи.

Ормда пойлаб турад иблис севаго,

Бизни тиккалайди тиз уриб тамом,

Ҳар бир айланганда тагин шу жазо ... " ²⁷

Оллоҳ севган расули киёматгача парвардигори оламнинг ардоғ на эъзозига бўлишини имон эътиқоди соғлом ҳар бир мусулмон тунунади.

"Эи туғилиши ҳамон ҳаётта ёшлиқ келтирган Ҳаз. Мухаммад (с.а.в.), Сенинг тажаллинг ҳаёт дунёсининг таъбиридир... Мен сени кўрдим, отам-онамдан ҳам кўпроқ севдим. Ишқ менда сўнгсиз бир оловнинг алангалатди ... " — дейди Мухаммад Икбол. Ҳақиқатда ҳам миллион-миллион мусулмон қалбида ана шундай туйғу ва сўзлар оловланишига асло шубҳаланиб бўлмайди. Демокримизки, бошқа динга мансуб ўйнаб ижодкор ҳамжиҳатликда қоралагани билан пайғамбарнинг муборак номларига заррача бўлсин қоралиқ

юкмайди. Аммо баъзи ҳақиқатлар аниқ ва чуқурроқ тушунилса, ҳеч зарар қилмайди.

Мавлоно Ҷалолиддин Румий ва Данте аерлош ижодкорлар. Данте Мавлононинг ўлимидан саккиз йил олдин дунёга келган эди. Лекин барча пайғамбарлар сингари Ҳазрати Исои ҳам севиб, унга тобе дин арбобларининг хурмат-эҳтиромини у жойига қўйганди. Бу – ислом дини, чинакам муслмонлик эътиқодидати кентлик, маънавий ҳиммати ёки Мавлоно шахсиятидаги жаҳоний юксалишми? Мавлононинг шоир ва ориф фарзанди Султон Валад ёзди: “Барча пайғамбар, вали ва восиллар бирдурлар, улардан бирини танимоқ, ҳаммасини кўрмоқ ва танимоқдир; айни замонда бирини рад қилиш, барчасини рад айлаш демак. Бир пайғамбарга душманлик ҳаммасига душманлик ҳисобланади. Бирор бир кимса қайси бир пайғамбарга куфр этса, кофир бўлмай ва бошқа бир пайғамбарни улуғлашдан, ҳеч қандай фойда чиқмайди. Оллоҳ Таолонинг бирор бир пайғамбарига ғаним нигоҳи билан қараш телбақилган бошқа бир нима эмас”.²⁸

Мана шу сабабдан ҳам Шарк мумтоз адабиётида ҳеч қайси пайғамбарни камситиб, қораланган гапга, хатто бир жумла бўлсин таънаю маломатга дуч келинмайди.

Мавлудми, Алишер Навоий мансуб бўлган нақшбандийлик тарикатида инсон ўзлигини англаш нуктаи назаридан латойиф тушунчаси алоҳида аҳмият касб этади. Бу тушунчага Баҳоуддин Нақшбанднинг «Машойиҳдан ҳар бирининг ойнасида икки томон бор Бизнинг ойнамиз эса олти жиҳотлидир», деган гапи асос бўлган. Имом Рабобий ушбу фикрни «Ойнадан кўзланган максад орифини кўнгли, икки томон руҳ ва нафс, олти жиҳот – олти латифа (қалб, руҳ, сир, хафӣ, ахфӣ ва нафс)», деб шарҳлаган.²⁹ Нақшбандийликнинг йирик назариячиси Муҳаммад Порсо латойиф сонини еттига етказиб инсон ҳақиқатининг етти табақа билан пардаланганини мана бу тарзда кўрсатган: 1. Шайтон ғайби. 2. Нафс ғайби. 3. Қалб ғайби. 4. Сир ғайби. 5. Руҳ ғайби. 6. Хафӣ ғайби. 7. Ҳақ ғайби. Мазкур мавҳумот, яъни ғайблар латифасини кашф айлаш осон кечмаганлиги учун ҳар бир ғайб мушоҳадасида бир пайғамбарга суянилган. Чунончи, илк ғайбада Одам (а.с.)га,

иккинчисида Нух, учинчида Иброҳим, тўртинчида Мусо, бешинчида Довуд, олтинчида Исо ва еттинчида Муҳаммад (а.с.)га боғланган.³⁰ Демак, ботиндаги ҳар турли хижобларни йўқотиб инсоннинг асли моҳиятини очишга бирмас, бир неча пайғамбарга суянилган тарикатда ҳам нубувват талабларига тўла риоя етганини тасдиқлайди.

Буни теран англаб, ўзи унга иқдор бўлмаганида Фарбдати йирик тасаввуфшунослардан бири Р. Никильсон ҳеч вақт мана бундай деб ёзмади: “Данте таваллудидан бир неча йил сўнг Мавлоно суюқлиси Оллоҳ висолига етишди. Аммо Данте, яъни бу крестини шоири муслмон замондоши юксалган севи ва мушоҳада қилганидан жуда пастда қолди...”³¹

Дарвоқе, ишк-муҳаббат робитасига тўхталсак. Данте ва Навоий масъадидати асосий муштараклик нуктаси деб С. Мели ўнча ишк ҳамда “ишк трагизми”ни белгилайди: “...Данте ва унинг Шарқдаги ғойибона суҳбатдоши улуғ Навоий ҳам олний даражидати трагизмга, ҳаётдаги барча ғам-алам, жабр-ситам, умидсизликларни босиб ўтиб, ҳазм этган ҳолда етишиладиган тригизм-ишкка восил бўлишган”.

Биринчидан, Шарқдаги мутасаввиф шоирлар, жумладан, Алишер Навоий учун ҳам “ҳаётдаги барча ғам-алам, жабр-ситам, умидсизликларни босиб ўтиб” етишиладиган “олний даражидати трагизм” йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки ваҳдати вуҷуд қолди ва талаби ишкка фаноликда, яъни ишк орқали олний ҳақиқат маънасини ишғол қилиш учун ҳар қандай трагизмни бутунлай четга суриб ташлайди. Иккинчидан, ишк тарикати ҳақиқати Муҳаммадийини идрок этмок нимагинини ҳаёлга ҳам келтиролмаган бир шоир билан Навоий руҳониятида қанақа яқинлик бўлиши мумкин?

Майли, буларни ҳам бир ёнга қўйлик. Навоийнинг ҳамд шерларини эсланг. Расули акром таърифи ва севиғиси уларнинг ҳар бирини тўғи нур ва сидқи садоқат чашмасидай мавжланади.

²⁸ Султон Валад. Мавриф. Истанбул. 1993. 244-бет.

²⁹ Аҳмад Сирхоний. Мабада ва мавло. Қарағи. 1968. С. 19-20

³⁰ Муҳаммад Порсо. Тухфату солнин. Дехли. 1970. С. 362-63. Наҷидат Тусун. Назаридини Нақшбанд. Истанбул. 2003. 309-бет.

³¹ Никильсон Р. Ислоҳ тасаввуфи. 1985. 165-бет.

Илларинг махсуру махзундур. Навоий, қоши,

Курса бу махрум ҳам ул зумраи махрум аро,

дея ёзган шоир, азиз пайғамбарини жаҳаннам қарига тикиб, турли-турли кийноқларни унга раво кўрган бир ижодкори ерда ҳам, кўкда ҳам ўзига яқин олоғмаслигини ким билмайди дейсиз?

Юз эшигинг туфроғида сурта олаيمانму деб,

Царх қасридин қуёш ҳар кун тушар олам аро...

Зеро, мутафаккир шоир кўнглини олий макомларга жазбалантирган қувват ана шу ишк офтоби эди. Унинг ҳаёбахш, серхосият эиёсида Навоий исломнинг маъно оламига чуқур кириб борар, ирфоний ҳақиқатлар сирини чуқур англагани сайин Мухаммад алайҳиссалом шахсиятига меҳр-мухаббати янада кучаярди.

Шарк мумтоз шеърлятида шоирлар деврли бир турли мавзуда ёзиб, бир-бирита монанд хис-туйғуларни тасвирлаггани учун адабиётшунослик илмида шахсият масаласи алоҳида ўрганилмаган. Ҳолбуки, баъдиний ижодда ҳал қилувчи омил, яъни бош асос шоир ё адибнинг шахсиятидир. Шахсият - бошқа бировникига ўхшамайдиган кучли, мустақил, эркин характер демак. Шахслик сифат ва хусусиятлари айнан характерда мужассамлашиб, ўзини намён этиб боради. Ижодкорнинг адабиётга олиб кирадиган янгилиги, биринчи навбатда ўзи яратадиган Шахси. Шунинг учун талантли ижодкор ёзишдан аввал ўзини танишда ҳам, ҳаётни мушоҳада қилиш, тақлид ва такрордан тийилишда ҳам бошқалардан тамоман фарқ қилади.

Инсоний шахсият билан адабий шахсият ўртасида тўсик кўйиб бўлмас-да биринчисига қараганда иккинчиси, яъни адабий шахсият ботиний, зохирий эдидиёт, таҳлика ва иккиланишларни енгиб ўтишни ички мажбуриятга айлантиради. Ҳар бир улут шоирда адабий «Мен»лик тақомили охирти нафастача давом этади. Зеро, маънавий ҳаётдаги ўзгариш, руҳий юксалиш, дард, ҳасрат ва алам ўзаро топишган нукталардаги фиғону фарёлар қаноатдан беоромликка йўловчи эзгинлик ҳолатларини унинг ўзи ва Оллоҳдан бошқа ҳеч кимса билмайди.

Мамлукми, Пайғамбар Оллоҳ билан сўзлашган, Унинг тилак ва амрларини инсонларга етказган буюк зот. Оллоҳча У қандай исми бошлан бўлса, Унинг изидан юрган ҳар бир одамга ҳам илоҳий нури шундай очик саналади. Шунинг учун пайғамбарлик, яъни шубҳиниёт "Бутун инсонлиқнинг ақли" деб таърифланган. Бу ҳақиқат унутилиб ёки эсдан чиқарилганда Навоий нанки шеърхондан, балки ўзидан ҳам йироқлашишни ёлда туттиш лозим.

2014 йил

ШАХСИЯТ ВА ИЖОД МУШТАРАКЛИГИ

Абдурахмон Жомий Шарк мумтоз адабиётидан алоҳида ўрин топишган сермахсул истеълод соҳибиди. Илмда унинг элликлдан ортик шеър ёзганлиги қайд этилган. Шеърлятининг ғазал, рубоий, қитъа каби катор жанрларида қалам тебратган Жомий ишк, ирфон, ҳақиқат, адиёт, қомиллик ғодаларини янгича муносабат, янгича оуқиб ва ифодаларда тасвирлаб берган. "Менинг шеърим, - дейди у, - ишк асоси ва қон ютишининг баёни. Улар ғазал мажмуаси эмас, балки менинг амалий ҳаётим девони эрур".

Шеърим ман Жомий баёни ишқу хун хўрдан бўвад,
Ин на девони ғазал, девони аъмоли ман аст.

Шонрининг қалб ҳолати, ғам-ғусса ва ички қайфияти шеърда қомиллик ёркин аксини топса, самимият унда ўшанча ортади. Шоир ўзичини нималартадир ишонттириб, самимиятга, айниқса дард ва иштороб самимийлигига ишонттириб билмаса, қилган меҳнатидан қулангани бир натижа чиқмайди. Анъанавий йўлда ижод қилишининг қалтис жиҳатларидан бири ҳам мана шу. Қайси шеърлий шеърда қалам юритмасин, буни Жомий ҳисобга олган. Хуллас, шеър-тожик шеърляти Абдурахмон Жомий тажрибалари тинмолида қомиллик, самимият ва ҳаққонийлиқнинг янги марраларини ололган.

Жомий ғазалиёти билан танишилганда киши кўз ўнгига Хуросон, Самарқанд, Табрёз, Кашмир санамларининг киёфалари келинганлиги. Айрим пайтларда у араб ғўзалларини ҳам мадҳ этади.

Аммо унинг висолини орзу қилиб, ёниб-қуйиб интилгани турк дилбарлари эди.

Эй турки шўх, ин хама нозу итоб чист?
Бо дилшикастагон ситами бехост чист?

Мазмуни: Эй шўх турк гўзали, бу нозу итобларинг нима?
Дилшикасталарга қутилмаган ситамларингчи?

Бошқа бир ғазалда эса бундай дейилган:

Турки гудчехраи ман хайма ба сахро задааст,
Дар дили лола рухаш оташи савдо задааст.

Мазмуни: Менинг чехраси гул турк санамим сахрода ок уй тиклабди. Лекин унинг олов яноқлари лоланинг дилига аланга савдосини солибди.

Таниқли жомийшунос А.Афзахходдининг ёзишича, “Жомийнинг машжукаси ҳаммадан аввал турк сиймосида намоён бўлади. Ва у ниҳоятда ёрқин сифат, жозибали хислатлар соҳибасидир. Ошиқнинг машжук а тилини билмаслиги ва унинг ўз ошиги сўзларини тушунавермаслиги тез-тез эсланади. Аммо тилдаги тафавут ошиқнинг садокати, ёрита жонини бағишлашига ҳеч монелик қилмайди”. Қуйидаги байтги шу гапнинг бир тасдиғи дейиш мумкин:

Нестам чун ёр туркигў, вале то зиндаам,
Чашми турку лавли туркигўи уро бандаам.

Мазмуни: Мен ёримга ўхшаб туркча сўзлашни билмайман. Бирок тирик эканман, унинг туркона кўзи, туркча сўзлайдиган тилига бандаман.

Ғазал, рубоий, таржибанд, таркибанд сингари жанрдаги шеърлар Жомийнинг лирик салоҳиятини намоён этган бўлса, достонлар унинг эпик маҳоратини кўрсатган. “Тухфат ул-ахбор” (“Хайрли кишилар тухфаси”), “Сибхат ул-аборор” (“Яхшилар тасбиҳи”), “Юсуф ва Зулайхо”, “Лайли ва Мажнун”, “Хирадноман Искандар”, “Саломон ва Абсол”, “Силсилат уз-захаб” номли асарларида ғалсафа, ахлоқ, ишқ, ирфон, жамият ва сиёсат, шахс эрки ва воқеаник шифатсизлиги каби масалалардан баҳс юритилган.

Жомийнинг насрда битилган асарлари орасида “Бахористон” ва “Нафахот ул-унс” китоблари доимо кучли иштиёқ билан ўқиб-ўрганилганини таъкидлаш лозим. Жомий “Рисолаи аруз”, “Рисолаи нофис”, “Рисолаи мусика”, “Шарҳи рубоий” номли бир неча илмий рисолаларнинг ҳам муаллифи. Буларнинг ҳар бири учун муаллиф маҳкам чеккан, кўз нурини сарфлаган. Табиийки, ҳар бирида бир натижани кўзатган ва шунга эришган ҳам.

Олих Таоло Алишер Навоийни Абдурахмон Жомий билан Жомийни Навоий билан учрашувини раво кўрмай, ўртадаги дўстлик ва сарфдошлик, устоузо шогирдлик ришталарини мустаҳкам боғлашганда эди, ўзбек ва тожик халқлари тарихида ҳеч нима билан тўлдириб ёки бартараф этиб бўлмайдиган бир бўшлиқ, ўзгача бир кесмтиклик юзата келарди. Тўғри, Жомий Навоийсиз, Навоий Жомийсиз ном қозонган улкан ижодкорлар бўлишига ҳеч шубҳа йўқ. Лекин улар нисбатан бошқа Навоий, бошқа Жомий бўлишарди. Ва Жомийнинг кўнгли дунёсига эркин кириб бориб эркин яшаган Навоийни, Навоийнинг қалб оламидан теран ўрин эгаллаган Жомийни билгиш ва тасаввур айлашга имкон қолмасди. Бу икки буюк шахс ва шонор юзлаган кунидан бошлаб гўёки бир-бирини интилиш, бир-бирини ботинан бойитиш, бир-бири учун яшаб, ижод қилиш учун таваллуд топгандай эди. Жомий ва Навоий муносабатларида аста-секин устоузо ва шогирдлик, маънавий-руҳий бирлик ва издошлиқнинг айтарли барча маъно-моҳияти ҳар кун, ҳар соғатда ўзининг бетакрор манзараларини намоён этарди.

Алишер Навоий ижодини шартли равишда жомийшунослик қомуси дейиш мумкин. Чунки унинг шеърий, насрий, илмий асарларининг кўпчилигида Абдурахмон Жомийга тегишли бири-бирини янги фикр, самимий таъриф, бири кейингисини бойитувчи маълумот ва қайдлар мавжуддир. Шунга монанд манзарани Жомий китобларида ҳам кузатиш қувонарли, албатта.

Алишер Навоийнинг буюк устоли вафотидан кейин ёзган “Ҳамсит ул-матахаййирин” асари эса шогирднинг устоузо, мурнинг муршидга, дўстнинг энг содиқ дўстга, сарфдошнинг дўстга сарфдошга бағишланган баъдий ёдгорлиги ва хотира

туҳфасидир. Китобдаги воқеа-ходисаларнинг асосан тахайюл ойнасида акс эттирилиши шундан. Унинг мазмун-моҳиятига диққат қилинса, муаллифнинг барча фикр-мулоҳазаси уч асос – Жомийнинг Шаҳси, Ҳоли, Фаолияти маҳсули эканлиги ойдинлашади.

Эрон олими Али Асғар Ҳикматнинг ёзишича, “Ҳижрий 875 дан 898-йилга қадар давом этган ва умрининг тўртдан бирини ташкил қилган вақт орасида яратилган Жомий асарларининг деярли барчаси Навоийнинг юксак севгиси ва тарғибу ташвиқларининг маҳсулидир”. “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” шу тапнинг тўғрилигини тасдиқлайдиган бекиёс бир бадийий-илмий ҳужжат.

Шарқ адабиётшунослигида ижодий шахсият мавзуи агар маҳсул талқин этилганда эди. ахлоқшунос, диншунос, адабиётшунос ва яна қанча “шунос”лар кўлини-кўлга бериб Жомий шахсиятини ўрганганда ҳам, денгиз тубидаги дур ва ғавҳарнинг ҳаммасини кўлга қиритиб бўлмаганидек, Махдуми Нуранга хос фазилат, ҳислат ва ҳолатлардан қанчадан-қанчаси ҳеч шубҳасиз қайд қилинмай, тавсифсиз қоладир.

“Абдурахмон Жомийнинг кучли бир вазд ва илҳом манбаи бўлган зақоси, - дейди турк олими М.Н.Ганж Усмон, - бир ирфон хазинаси билан зийнатланган. Кишини хайратга соладиган жиҳати эса, унинг ҳеч бир пешво таъсирига берилмай, бекиёс маданиятга соҳиб бўлиши ва ўзини ўзи қамолга етиштиришнинг ҳақиқий тимсоли эканлигидир”.

Тўтовсиз шеър ёзиш, китоб ортидан китоб тартиб бериш ва жамиятда фаол ёки донгдор шoir қиёфасида кўриниши Жомий ҳеч қачон ўйлаган эмас. Унинг бутун фикр-хаёли ўғаларникига ўхшамайдиган, ҳаётга, замонга, ижод ва инсонийликка муносабати ҳам, қизиқиши ҳам бутунлай бошқача адабий “Мен”ликни яратиб ҳамда уни ўткинчи ташқи таъсирлардан муҳофаза қилиш билан банд бўлган. Шунинг учун Жомийнинг шеър сифатига қараш ҳам нисбатан ўзгача. Унга кўра, авомфаҳм, оломон савиясига мувофиқ келадиган шеър ҳам бўш, ҳам хом бўлишини ақл-идроки юксак кишилар, яъни ҳослар биллиши керак:

Шеър к-афтод қабули хотири ом,
Ҳос донд, ки суст бошду хом.

Дарҳақиқат, шеър ва шoirлики оломон эҳтиёжига мувофиқлаштириш, бошқача айтганда гўзаллик туйғуси ва мустиқки фикрдан маҳрум тўданинг қонини қиздириш ёхуд тақсину оқинини кўлаб қотоз қоралаш бадийий ижод оламидаги энг қиёқ ишлардандир. Шеърят ва шoirлик қадрини ерга қоритиладиган бундоқ суҳанбозлик ва “оммавийлик”ка Жомий ёшнинг нафасига қарши қурашганки, шахсиятидаги ўқтам, муросенг хислатларидан бири ҳам унинг ана шудир. Бу ҳусусда тожик олими А.Қурбонмамадов “Абдурахмон Жомий эстетикаси” номли китобида алоҳида тўхтаган.

Машҳур оломон шарқшуноси Ҳ.Риттернинг “Ислом қомуси”да боғилган мақоласида эътироф этиши бўйича, “Абдурахмон Жомийнинг асл шахсияти жуда жонли тарзда девонларида ва кучли эстетик қўйгани Йбн Арабийнинг ваҳдати вуҷуд тушунчаси оммавий шаклда шарҳлаб берилган ихчам ва гўзал услубдаги шеърларида аксини топган”.

Жомийнинг тасаввуфда эришгани бадийий ижодда кўлга келтирилган қам эмасди. Айтиш мумкинки, мутасаввиблик маънаси унинг шеърятига руҳоний куч ва ирфоний раванқ беришганди. Тасаввуф дунёсига қирган шoir аввалгига қараганда ўзини ҳам, ўзлик моҳиятини ҳам бошқача таниди ва илоҳий илҳом, оммоний таъсир-таъвоқ оғушида янги “мен”ни яратди. Орифлик шахсияти ва сурури билан ёзилган шеърлар Фаридулдин Аттор, Маъноно Румий, Ҳофиз, Шайх Саъдийларга издош Жомийни қиёқий ишк ва маърифатнинг ҳали эгланмаган манзилу макомларига олиб чиқди.

Юрлик ҳақиқатини йўқликдан ахтариш, боқийлик файзу фироғатини фанийликдан нисташ, бақони фано ҳолида яшаш – Ҳақ наънига етишиш орузсини Жомий кўнглида оловлантирган тушунча ана шу эди. Буни беҳато ва нозик идрок этгани боис ҳам Навоий:

Ул фано сори дасттир манга,
Муршиду устоду пир манга,

дейди.

Абдурахмон Жомий шахсияти ва дунёқарашини факат тасаввуф билан эмас, балки, аввало, Куръони карим, ҳадиси шариф билан боғлиқлигига ёритиш жоиздир.

Куръон ва ҳадисдан бошлаб, мусулмон дунёсида машхур қайси улуг китобни мутолаа қилманг, унда юксак инсоний ҳислат ва ғазилатлар асоси бўлмиш тўзал ахлоққа алоҳида аҳамият берилганлигига иқрор бўласиз. Чунки ҳар қандай ёрқин ва қучли шахсиятнинг туб асоси, яъни пойдевори ахлоқдир. Ахлоққа ожизлик ва қучсизлик ёки биқиклик ва синиклик мавжуд экан, одам ҳеч қачон бутун шахс ўлароқ воғта етолмайди. Бунга Абдурахмон Жомий шу қадар чуқур англаганки, ахлоқ йўлида Куръони карим талаблари, ҳадиси шариф кўрсатмалари, тасаввуф ҳақиқатларидан четлашмаганлигини ҳам шερрий, ҳам насрий асарларида кўп мартаба таъкидлаб ўтган. Ғазаларидан бирида у:

Ошиқи дарвеш то донист завқи сабру шур,

Бар жафоҳои ту собир, дар бағоҳо шоқир аст,

дейдики, бунинг мазмуни: сабр ва шурқ завқини англаган ошиқи дарвеш, сенинг жафоларингга сабр айлаб, бағоларингга, албатта, шурқ қилур, деганидир. Ёки мана бу байтни олайлик:

Жомий ба мулку мол чу ҳар сифла дил мабанд,

Кунжи фароғу ганжи каноат туро бас аст.

Яъни: Эй Жомий, ҳар пасткаш хориства ўхшаб молу мулкка дил боғлама, сенга хилват фароғатини, каноат ганжи басдир.

Жомийнинг тасаввуф ва тариқат пирларига ишончи баланд бўлган. Бу ишонч шахсиятини майдалик, мўртлик ва маҳдудликдан саклашга доимо унга бир таянч бўлиб турган. “Фотихат уш-шабоб” девонидати бир ғазалида у, Пири Хирот сўзларини жон қулоғи ила тингла, унинг айтган гапларидан тариқат мушқулликлари осон англашга дейди:

Ба гўши жон бишнов нуқтаҳои Пири Хирот,

Ки мушқилоғи тариқ аз баёнаш осон аст.

Пири Хирот – Абдуллоҳ Ансорий. Бу улуг мурид ва аллома Шайхидан ҳам, тасаввуфга доир асарларидан ҳам Жомий теран таъсирланиб, ундан ўрнак ва сабоқ олган.

Ансорийнинг “Дил ва жон мунозараси” рисоласида нақл қилинишича, бир қимса етмиш йил тинмай илм ўрганбди. Лекин динда йил этган бир ёрғлик пайдо қилмабди. Бошқа бир киши бутун умрини битта ҳарф сир-асорини билишга бағишлабди. Шу биргина ҳарф уни ёндирибди. Демак, кўп нарсани эмас, балки кераклигини билиш, ҳеч бўлмаганда юракни нурлантирувчи бир мавзунинг ўрганиш зарур. Ансорий сўзларидан кўзланган мақсад мана шу! Жомий эса бутун илмий-ижодий фаолияти мобайнида инсон руҳи, тафаккур ва маъно оламини нурлантирадиган ғоя қамда мавзудар талқинига қуч сарфлаган.

Абдурахмон Жомий XV асрнинг, айна пайтда ундан кейинги бирча давр ва замонларнинг йирик мутафаккири. Шижоат, мардлик, жасорат ва мутафаккирлик эса бир-биридан ажралмайдиган тушуниқлар. Жомий ҳаётда бунга кўп мартаба кўрсатиб, таъкидлаб кетган. Жомий шахсиятини қуллик, ҳар турли мўртлик ва қарамликдан ҳалос эта олишдек чўнг жасорат соҳиби бўлган.

Машхур муаррих Заки Валиди Тўгон “Жомий самимий бир мутасаввиф ва мутақий зот бўлиши билан бирга қундалик турмушда ринд машраб ва мусикасевар ҳам эди”, - дейди. Бу фикрининг тўғрилигини исботлайдиган асосий далиллардан бири Жомий девонларида риндона байт ва ғазаллар микдорининг қулланиб бўлса, иккинчи бири мана бу воқеадир: Хирот муфтиси Саифиддин Аҳмад шоир хонадонига меҳмон бўлиб келади. Зиёфат тугагач, мезбон, яъни Мавлоно Жомий хонанда ва созандагларга навоёт бериб, куй ва кўшиқлар ижро эттиради. Шу иши бонс келгачин, завқи сўниқ айрим қимсаларнинг таъна-ю танқидларига дуч келган. Лекин Жомий уларга хатто эътибор ҳам бермайдди. Хоринжилик тасаввуфшунос олим Н.Тўсиннинг таъкидлаши бўйича, ушунанки ва маломатларга жавобан мусика ҳақида у бир рисола ёзиб, “амалда само ва мусикадан йироқ бўлган класик нақшбандия

анъанасини янгилик билан бойитади". Бу иш атайин ёки зўракилик билан қилинганми йўқ, албатта.

Ибн Сино "ал-Ишорат" номи асарининг орифлар мақомига бағишланган бўлимида уларнинг мусика тинглашга эҳтиёжи борлигидан сўзлаб яна бундай дейди: "Ориф риёзатга муҳтож эрур. Риёзат уни уч манзилга етказди. Биринчиси, Ҳаққа яқинлик. Иккинчиси нафси амморани нафси лаввомага итоат қилдириш. Бунда ҳаёл ва ваҳм қуввати суфлий оламдан узулиб қудсий оламга томон йўнالاди. Учинчиси, уйғониш ва ҳассос ҳолга эришмоқ учун сирни латифлаштириш".

Буюк алломанинг изоҳлаши бўйича биринчи мақсадни бажаришга ҳақиқий зуҳд ёрдамчилик қилади. Иккинчи ғоянинг юзига чиқишини тафаккур ва таҳаммулга асосланган ишонач ва ибодат таъминлайди. Учунчи четарани эгаллашга эса латиф фикр, руҳоний ишқ ва оҳангга суянилади.

"Демак, бундан англашпайётирки, - дейди Ибн Сино, - ориф ва орифлик камолини мусикадан ажратиб бўлмайди".

Жомийнинг табиғати, руҳий ҳаёти, орифлиги хусусан "Рисолаи мусикий"сининг хотимасидаги мулоҳазалар ушбу фикрнинг тўғрилигини тўла тасдиқлайди. Умуман, орифлик завқ-шавқи ва сирларидан канча кўпроқ хабардор бўлинса, Жомийнинг ирфонга қон шахсиятидан хайратланиш ўшанча ортади.

1472 йилнинг кузига Жомий кўпдан ниёт қилиб юрган ҳаж сафарига отланади. Нишопур, Пешовар, Бистом, Домгон, Қазвин ва Ҳамадонга боради. Ҳамадон ҳокими Шох Манучехр зўр иззат-икром билан кутиб олиб, Жомий шарафига зиёфатлар беради ва уни Курдистондан омон-эсон ўтказиб, Бағдод сарҳадига етказди. Ҳалаб, Карбағо зиёратидан сўнг Жомий яна Бағдодга қайтиб келади. "Силсилат ул-заҳаб" дostonидаги айрим байтларга кескин эътирозда юрган шиадлар Жомий билан мунозара қилмоқ учун катта бир йиғин ташкил этидилар. Бағдоднинг улкан бир мадрасасида ўтказилган шу мажлисда Жомий аҳли байтни севиш Куръони қаримда бузурилганини айтиб, дostonдаги ғалат тушунилган байтларни сўзма-сўз талқин қилиб беради. "Киноят тариқи била

шурангиз ва фитнаомиз сўзлар" айтган товламачиларнинг саси эса қувилади. Ушанда Жомий "Вақтиким "Силсилат ул-заҳаб"нинг назмида амирул-мўминин ва аларнинг авлоди бузурғлари ринжондурлохи ажмазининг ситойишларини этдим, Хуросон султонлиқларидан харосон эрдим, ногоҳ мани рафозга нисбат бермасинлар, на билдүкким, Бағдодда равофизнинг жафосига мутошило бўлурмиз", деган экан.

Шоирнинг рубойларидан бирида айтган мана бу сўзлари эса янада эътиборли:

Эй мугъбачан даҳр, бидех жоми маъм,

К-омед зи низои шиау сунни қаям.

Гўянд, ки Жомиеъ, чи мазҳаб дори?

Сад шукр, ки саги суннино хари шии наъм.

Мазмун: Эй даҳр мугъбачаси, май жомимни узатти. Шиаву сунний жанжалидан безиб кетдим. Агар мендан "Жомий, сен қайси мазҳабдансан?" деб сўрашса, "Юз шукрки, суннийнинг ити, шиннинг эшаги ҳам эмасман", дейди.

Хуллас, Бағдод ҳодисаси сунний дунёда Абдурахмон Жомий оёғу-эътиборини яна ҳам юксалтириб юборади. Чунки қалтис, катто халффи бир вазиятда у ўзининг қимлиги, ҳам олимлик, ҳам орифликка қандай шижоат қасб этганлигини намоён қилиш шарифига эриша билганди.

Жомий ҳаждан қайтар экан, усмонли турк султонни Фотих Султон Махмед Истанбулга Жомийни тақлиф этиш учун Хожа Абдуллох Кирмонийни Ҳалабга жўнатади. Бироқ Кирмонийнинг боришидан бир неча кун олдин Жомий Ҳалабдан жўнаб кетганди. Оқуюлини ҳукмдори Узун Ҳасан эса Махдуми Нуранни Табризда қолганига ундашга қарамай, 1474 йили у жонажон Хиротига қайтиб келгани ва унинг учун Хусайн Бойқаро курдирган мадрасада дарс берин билан машғул бўлади.

"Минсобоқдорларга яқинлашмоқ, улар билан яқин алоқа боғлаш, - деб ёзган Имом Ғаззолий - олимлар учун энг катта фитнадир. Фитна эса инсонни нифокка солиш учун шайтон қўллаган уевлардан... Қадимда олимлар илм эгаллашдан сўнг унга амал

килар ва амал қилишгани замон ўрганиш, изланиш билан машғул бўлардилар. Ўшанда уларни ҳеч кимса, ҳеч вақт ўрталикда кўрмасди...

Абдурахмон Жомий "ўрталик"да бўлиш, яъни илм ва ижодни амал, бойлик, мартаба воситасига айлантириш майлларини тамоман сўндирган, мулло, эшон, сўфий, шайх сингари атамаларнинг "оқ"ида калбни форит этган ҳолис ва хоксор мутасаввиф эди.

"Ҳамсат ул-мутахаййирин"да ҳикоя қилинишича, Жомий Макка сафаридан қайтганда, Хусайн Бойқаро Балхга кетган экан. Унинг Балхдан қайтиш хабарини эшиттач, Жомий ҳам унга пешвоз чиқиб Мурғоб вилоятига борди. Учрашув ва мулоқотлардан сўнг, тунда истироҳат қилиш учун Жомийга алоҳида бир оқ уй тиклаб беришди. Қарантқи, ўша кечаси каттик бир шомол кўзғолиб, ўрдадаги оқ уйлاردан бир нечасини, жумладан Жомийга тегишсини ҳам кулатиб, парчагаб ташлайди. Шунда хизматкорлар "Жуда яхши уй эди-да, хайфки пора-пора бўлиб кетди. Уни қурганлар не дейилар?" – дейишибди. Жомий эса "Нима ҳам дейшарди, шумкадам муллолар қоши бизнинг уйга келмасалар эрди дейдилар-да", дебди. Бу – чинакам маломатмашраб кишининг сўзи ва иқрори.

"Мавлоно Жомий мурид тутмаслар" деган хабарнинг Хуросондан йироқ жойларга тарқалиши ҳам бежиз эмасди. "Рашахот"да ёзилишича, Жомийдан "Шайхликнинг борида таҳаммулимиз йўқ турур" ("Шайхликнинг юкига тоқатимиз йўқ") дейишларининг сабаби сўралганда у: "Даринким, толиб тоғилмастур. Толиб кўп турур, аммо ўз нафси ҳазларининг толиби турурлар", – деган экан.

Бахавуддин Нақшбанд тасаввуфда асос солгани янги тарикат истиқболини ўзича ҳар қалай яхши тасаввур этган. Аммо унинг нақшбандийлик номи билан жаҳон микёсида донг таратиб, миллион-миллион мурид ва тоғиларнинг фаҳрига айланишини балки ўйламаган бўлиши мумкин. Чунки Нақшбанд вафотидан тахминан бир аср кейин илк маротаба нақшбандия истилоҳини Абдурахмон Жомий қўллаган эди. Жомий нақшбандийлик

сўзукнинг ҳам назариячи, ҳам амалиётчиси, ҳам тарғиботчи ва обрў-эътибори олий пeshвоси эди.

Али Асгар Ҳикматнинг таъкидлашига кўра, сафавийлар билан иши оғимларининг Абдурахмон Жомийга қарши қаҳр ва нафрати туфайли унинг асарлари уч-тўрт аср мобайнида Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонда топган шухратини Эронда тополмаган. Лекин нур ва фироқлик нўлини тўсиб бўлмаганидек, ҳолис ва юксак тафаккур соҳибларининг Жомий асарларига қизиқишини чекаб ёки тўхтатиб ҳам бўлмаган. Сафавийлар подшоҳи Шох Исмонил хатто Жомий сўзини тилга олишга тоқат қилолмаган бўлса, унинг ўғли Сом Мирзо "Тухфай Сомий" асарида мана нима деб ёзиб қолдирган: "Абдурахмон Жомий туғма истевдод ва зақосидати буюклик жихатидан таъриф тавсифга ситмас нодир бир шахсият соҳибидир. Унинг фазилат нуллари Шарқдан олис Ғарбга қадар ёйилган ва ирфон суфроси дунёни бир чеққасидан наригисига қадар ёйилгандир".

Худди шу бонсидан ҳам Жомийнинг илмий, адабий ва ирфоний мероси қадим-қадимдан ўзбек халқини қизиқтириб, ўқиб-ўрғанишга иштиёқ уйғотиб келган. Ўн бешинчи ва ундан кейинги асрларда адабиётда ном қозонган бирор бир шoirимиз йўқки, Жомий шеърини мактабидан сабоқ олмаган бўлсин. Жомий шеърларининг ўзбек тилига ҳамон ғайрат билан таржима қилиниши ва жомийшуносликда қўлга киритилмаётган натижалар ушбу яраённинг истиқболдан далолат бериб турибди. Зеро, олти юз йил муқаддам туғилган ҳамма шoirининг ҳам Жомий қадар эътибор ва эъзозга эришуви душвордир.

"Ўзбек тили ва адабиёти" журнали, 2014 йил 5-сон

ТАФАККУР ВА МАЪНО ЮЛДУЗИ

Башариятнинг энг қадим маданият, илм-фан ва санъат беинкиларидан бўлган Ҳиндистон турли дин, ҳилма-хил мазҳабга мансуб кишилар яшаган ва яшётган бир заминдир. Ислоом динининг кенг тарқалиши ва мусулмонлар сонининг орттиб бориши билан муҳташам бу ўлкада форсий ҳамда туркий тилдаги адабиёт

ҳам тараққий топиб борган. Шу адабиётларнинг дунёга машҳур бир неча вақиларининг ота-боболари эса турли сабаблар туфайли Ҳиндистонга ўрта Осиёдан бориб қолишган. Лекин улар сўнгги нафасгача ота юр்தларини кўмсаб, ватан соғинчида ўрганиб, ёниб ижод қилганлар. Жаҳонга “Абдулмъъин” – “Мъъно отаси” деб танилган Мирзо Абдулқодир Бедил ана шундай ижодкорлардан бири. Кейинги илмий маълумотлар бўйича унинг аждодлари аслан Самарқанддан ва барбос уруғидан бўлишган. Улар шайбонийлар билан сафавийлар ўртасидаги хунрезликлар пайтида она диёрни тарк этишган.

Абдулқодир 1644 йилда Бенгал вилоятининг Азимобод шаҳрида туғилган. Ёўдаклик чоғларида у отасидан ажралиб, онасининг кўлида қолган. Бедилнинг ҳаёти – катта-катта йўқотиш, отир ҳасрат ва жонга ўт ёқувчи изтироб таъсирида илгариларган бир ҳаёт эди. Онасининг ўлиmidан кейин уни амакиси Мирзо Қаландар тарбиясига олади.

Бедилнинг хотиридашча, Мирзо Қаландар шижоатли, мустаҳкам иродали, ахлоқи тоза одам бўлган. Ҳарбий хизматчилигига қарамай у яхшигина шoir ва чинакам донишманддўст киши эди.³²

Амакисининг маслаҳати билан Бедил мадрасани тарк этиб, мустақил ўқиш, изланиш, энг муҳими, ҳаёт сабоқларини чуқур ўзлаштиришга киришади. Илмнинг бир неча соҳаларини у ниҳоятда қўнг билан ўрганиб, яхши натижаларга эришгач, тоғаси Мирзо Зариф уни ўз замонасининг машҳур рухшунос олими Шохқосим Ҳуваллоҳий билан таништиради. Ҳуваллоҳийнинг таҳсили ва ундан сўнг тарикат арбоби Шох Қобулӣй деган дарвешининг суҳбатлари ўспирин шoirнинг дунёқараши ва кўнгил ҳаётига алоҳида таъсир ўтказди. Бу йиллар Абдулқодир рух ва тафаккур оламидаги юксалишнинг бошланиши эди. Давр ва замондан, ижтимоий муҳит ва омма турмушидан, зоҳирӣй ва ботинӣй воқеа-ҳодисалардан у маъно ахтарарди. Форс-тожик

адабиётининг Санойӣ, Аттoр, Румӣй, Жомӣй сингари буюк мутаассифлар ижодиётини Бедил барoт қисқа муддатда ўқиб ўзлаштирган эди. Шeър ёзишга қизгин киришиб кетаркан, Бедил баданӣй ижодда мустақил йўлни ҳам таниганди. Бу йўл – адабиётни моддий қу-қувватни тамсил этувчиларга тобеликдан, ҳушомад, маънабозлик, умумӣй урфга айланган тақрорўйлик офатларидан қутқалишга қатъӣй аҳд ила одим ташланадиган йўл эди. Беназир Бедилшунос адиб Садриддин Айнийнинг: “Мирзо Бедил бой қалб қозиб, олжаноб бир зoт бўлиб, ағниё ва умарo эшигига ҳеч интилошмас, билъакс улар Мирзонинг ҳузурита келурлар ва уни таълим тақдир етарлар”, – деган сўзлари ҳам мазкур ҳақиқатни интилошга хизмат қиладди. Нақл қилинишича, бой-бадавлат интидорлардан бириси мактуб ёзиб шoirни уйига даъват этганида Бедил унга шундай байт билан жавоб қайтарган экан:

Дунё атар диҳанд, наҳезам зи жои хеш,
Ман бастаам ҳинoи қаноат ба пой хеш.

Маъмуни: Менга атар дунё қадар молу мулк берсалар ҳам ўрнимдан қимирламайман, чунки мен оёғимга қаноат ҳинoсини боғлаганман.

Сабр-қаноат бир шoir шахсиятининг қу-қувватга тушганига қанча имкон ва нигтиёз бериши мумкин бўлса, Бедил шундан туғла-тўқис фойдалана билган. Шўнинг учун унинг Шаҳси финуқуллада тоза, ҳеч туганмас илҳом ва ижод манбаига айланганки, бунгақаси адабиётда ниҳоятда қам қўзатишган.

Абдулқодир анча эрта – таҳминан ўн ёшларида қичик қамқалдаги шeърлар ёза бошлаган. Бедил дея ўзига таҳдлулс танилган шoir шeър ёзиш тажрибаси ортиши билан катта-катта асарлар устида меҳнат қилган. Унинг маснавий шаклида ёзилган нон асарни “Тилсими хайрат” деб номланган. Маснавий яратилган шайларда Бедил ҳақиқатда оламни дарвешлик ҳоли билан идрок қилиб, мажзублик хайратлари ичида яшаркан. Ўттиз ёшида яратган “Муҳити аъзам” (“Улуғ денгиз”) номли навабатдаги китоб эса йилнинг тасаввуф денгизида янада теранроқ шўнгишини акс эттириди. 1681 йил Бедил нисбатан узoқ муддатли сафарга чиқади. “Турн маърифат”га шу сайри саёҳат таасуротлари асос бўлади.

³² Айни С. Мирзо Абдулқодир Бедил. Куллиёт. Жилди I. Китоби дуюм. Душанбе, 1964, сах. 31

Муаллиф дунёқарашининг ҳаётга яқинлашуви ҳам худди шу асарда ёрқин кўринган.²³

Шоир 1685 йил Деҳлига бориб муқим ўрнашгач, мемуар характердаги энг улкан асари “Ирфон” ва “Ҷаҳор унсур” (тур унсур)ни яратди. Булардан ташқари сергайрат шоир “Ғазалиёт”, “Рубоийёт”, “Рукаот” (“Мақтублар”) каби чинакам ижод намуналарини мерос қолдирган. Бедил бир ўринда:

Мард бояд ки фаҳми қор қунад,

Нашъаи хуш ихтиёр қунад,

яъни мард меҳнатнинг маъносини билимоғи ва ақл кўрсатган йўлни танламоғи керак дейдики, унинг бадий ижод жабоҳасидати меҳнати бунга ёрқин мисолдир.

Бедил асарларининг тили анча оғир, ифодалари мураккаб, маъно катламларини очиб эса қийин. Файласуф шоирнинг ўзи ҳам бунга билган. Шу боис бир шеърда менинг баланд маъноларим ўткир фаҳмни талаб қилади. Чунки менинг фикр сайрим осон кечмаган. Мен баланд бир тоғман деган:

Маънини баландли ман фаҳми тунд меҳоҳад,

Сайри фикрам осон не, қўхаму кўтал дорам.

Бедил қайси адабий жанрда қалам тебратмасин, унда, албатта, ўзининг мутафаккирлик, файласуфлик ва санъаткорлик салоҳиятини намойиш этишга эришган. У хатто ишқ ва ошқлик холи устунлик қилган ғазал жанрида ҳам муҳаббат, маърифат ва фалсафани моҳирлик билан бирлаштиради. Шоир кўпинча орифлик нуқтаи назари ва орифнинг сўзлари билан шеърхон қалбини эгаллашга уринади.

Маънилар офтоби бўл, нур сочибон сақла сукут,

Сўз нурининг бақоси йўқ, мисли ҷароғ ўтиб кетар.

(М. Абдулҳаким таржимаси)

Бедил ғазални туйғу ва тушунча денгизига қийслайди. Ва фикр кемаси билан шу денгизда яхши суза билган киши назм гавҳарини, албатта, қўлга киритишига ишонади:

²³ Айнин, Х. С. Бедиль и его поэма “Ирфон”. Сталинабад. 1956, стр. 54

Бедил, гуҳари назм қасерост, ки имрӯз,
Дар баҳри ғазал заврақи андеша давонад.

Ғазал нима? Ошиқнинг оху зори, дарду изтироби. Ғазал мутафаккирнинг ҳикмати, файласуф мушоҳаси ва орифнинг қасби қолн. Рух ва руҳоний гўзаллик намойишида ғазалдан бевоситра на шаффоқроқ кўзгу топиш душвор. Айни шу инқилобдан ҳам Мирзо Бедил ғазалиёти алоҳида эътиборга моликдир.

Бадий ижод оламида рубоӣӣ эзиш – уқунда қуёшни, катрада денгизни аксантириш деган фикр ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Ҳақиқий рубоӣӣнависнинг нафаси, нигоҳи ва тафаккур тараи бошқа шоирларикидан фарқлангандек, унинг сўз қўллаш, маъно кашф этиш маҳоратини айнан тақорлаш ҳам қийиндир.

Форсий тилда фақат Умар Хайём эмас, Фаридулдин Аттор, Маъноно Румий, Абдурахмон Ҷомий каби мутасаввиф шоирлар ҳам ўқиса ўқугудек зўр рубоӣӣлар яратишган. Аммо Бедилнинг рубоӣӣи нисбатан бошқа бир дунё, сафлариникига айтарли ўшанимийлигини маъно нахридир. Бедил уч ярим мингдан энёд рубоӣӣи ёзган. Дунёнинг нурули ва нурсиз, яхши ва ёмон қисметлари, одамнинг юксак ва тубан, шодон ва ғамгин қолитлари, ҳаётнинг ўткинчи ва боқий ҳақиқатларидан ҳам кенг, ҳам изчил баҳс юритишга имкон берадиган рубоӣӣ жанрининг ички интиҳоридан фойдаланишда Мирзо Бедил зўр маҳорат кўрсатган. Рубоӣӣи Бедил учун туйғу ва тушунча, ҳолат ва мушоҳада алоҳидагина айланиб қолган деса хато бўлмайди. Тўрттиклилардан борида у:

Хоҳ кафк тирӯ, хоҳ гавҳар бардор,

Мо дарёёму, мавжи мо бисёр аст, -

афкан. Маъно биз тўлкинланиб оқувчи бир сермавж дарёёмиз. Хоҳла ундан кўнлик ол, эгласанг гавҳар олти. Ҳақиқатда ҳам Бедил шеърларини ўқиб тушуниш, тушуниб шоир кўтарилган тафаккур инқилоқларига чиқиб денгиз тубидан дур ё гавҳар олишдан янада бир нш эмас. Бедил ҳаётда ўлимдан бошқа айтарли барча қилди, қайфият ва таассуротларни шахсий тажрибадан ўтказиб

иродасини шакллантирган шоир. Унинг "Мен"лиги олий ва енгилмас кучдан қувват олгани учун ҳам турмушдаги азоб-уқубат, не-не ғусса ва кулфатларни ўзгача бир шуурда қабул қилган. Лекин у маъно ва моҳият, идрок ва мушоҳада йўлларида канчалик илгарилар кетмасин, ҳеч қачон шеръ ва шoirликка ортиқча баҳо бермайдди, ҳеч бир зайдда илоҳийлик илдоасини илгари сурмайдди. Чунки Бедил ҳар лаҳзада юзлаб зилзилят ва бахтсизликка раҳнамолик қилиб турган шафқатсиз воқелик бағрида нафас олиб, ундан раҳм-шафқат ҳам, мурувват ҳам тиламаган Сўз соҳиби эди. Шоир бир рубойида ҳаётдан ҳеч ажралмагандлигига ургувариб мана нима дейди:

Шерърам, ки ба сад забон фуруд омадаст,

Дар чандин вақту он фуруд омадаст.

Таврот набуд, то биг'ям, ки ҳама

Якбора зи осмон фуруд омадаст.

Мазмуни: Шеръим юз тил, яъни бир-бирига ўхшамайдиган, ҳатто ўзаро зид келадиган юз хил фикр ва тушунадан дунёга келган. Бу эса пешма-пеш – бир неча вақт ва фурсатда содир бўлган. Чунки менинг ёганим Таврот эмаски, осмондан бирдангина тушгандир десаам.

Автобиографик характерга молик рубойларнинг шоир таржимаи холини билишда муҳим манба сифатида хизмат қилиши ҳам бежиз эмасди.³⁴

Айниининг қайд этишича, Бедил ўзининг 77 йиллик умри мобайнида ўн бирта подшоҳ ҳукмронлигини кўрган. Ўша тож соҳибларидан икkitаси унинг 63 ёшигача бўлган пайтларида, қолган тўққизтаси эса ҳаётининг кейинги қисмига тўғри келади. Ўн бирта ҳукмдор – ўн бир хил шахсият, бири бирита ўхшамайдиган қисмат, ўзаро мувофиқ келмаган сийсий бошқарув, олдин одамларнинг турли манарадаги дардли, ҳасратли, ночор турмуш тарзлари. Шуларнинг ҳаммасини Бедил юракдан ўтказиб, гўё

уларнинг ирсий қисмини тўрт қаторли бир шеръида ифодалаб ҳам кетган:

Умрест шикасти бому дар мебинам,

Бунёди вафо зеру забар мебинам.

Ҳар суҳб ки сар зи хоб бармедорам,

Ошуби қиёмати дигар мебинам.

Мазмуни: Бир умр эшик ва томларнинг бузиглишию, вафо ва савобатнинг остин-устун этилишини кўраман. Ҳар тонт уйқудан бон кўтарганимда, аввалгисига ўхшамайдиган қиёмат, яъни ғавжою ғулопонини кўраман. Албатта, бундай фожеалар ҳақтўй шоирнинг оромини кемира-да, зулм ва тенгсизлик олдидаги унинг ночор, маъқул ахлоқини ҳам тасаввурда жонлантиради. Файласуф адиб оламида дунёга келиш сабаби ва жамиятдаги маъқул хусусида фикр юрттар экан, қатъий бир қарорга келганди: "Инсон гаштан ба кул расидан буласт" – "Инсон бўлиш ўз моҳиятини билиш эрур". Шунга эришиб, шунга чуқур билгани сайин одам оламга эмас, балки чархи диврон оламга тобеллашиб боради.

Юз чарх бошимизда овора эмиш,

Юз суҳб бизни деб жипарпора эмиш.

Ой бирла куёш шуъласи бизга не писанд,

Кўз ёши ўзи собиту сайёра эмиш...

(Жамол Камол таржимаси)

Мирзо Бедил руҳоний ҳаловат, маънавий интизом одами. Маъно излаш, моҳиятта этилишга фавқулодда осудалик ва хотиржамлик шароитининг теран фаҳмламаганида у мана бундай деб ёзмади:

Мушқоки мудом жадалга мойил бўлди,

Олим санаси ўзини, жоҳил бўлди.

То ўртага тушди у билим лофи ила,

Топган бари маънолари ботил бўлди.

(Жамол Камол таржимаси)

Олимми, шоирми ёки бошқа бир соҳа киличисими, бундан каттаини натижа, одам ўз ахлоқини билмаса ёки билиш даражасига етганида олдин алашиб юрса, энг муҳлиши дарду бедаво ана шу.

³⁴ Шукров Ш. Мирзо Бедилнинг постик мероси. Тошкент. 1979. 74-75-бет

Бедил, энг аввало, бандасини кўлдан-кўл фожеа ўзани бўлган шу хасталикдан огоҳлантиради ва ундан кутулиш йўлларини ҳам кўрсатади. Бу жихатдан тасаввуфни теран билгани ва рух ҳаёти билан изчил кизикканлиги шоира жуда кўл келган. Бедилда дунё ва ҳақиқат, ҳаёт ва охират, фано ва бако тушунчаси битта бош мақсадга: инсоннинг ўзини ўзида кашф айлашга хизмат қилади.

Файласуфлик қобилиятига соҳиб шоирларнинг асарларидан Мирзо Бедилнинг шеър ва дostonлари бир неча жихати билан ажралиб туради. Бедил шеърда шoir, файласуф ва мутасаввиф фикр-қарашларини уйғунлаштиришга эришганли. Унинг шеърларида маъно файласуф мушоҳадасидан ўтган, мутасаввиф руҳи ва ҳолидан жонланиб, санъаткор маҳорати билан талқин қилингандир. Фалсафий маънони кўп шoir ва адиблар зоҳир йўли билан асосан ташки оламдан ахтарган бўлишса, Бедил учун фалсафий мазмун-моҳиятнинг бош манбан инсон Руҳи ва Кўнгли эди. Унинг шеърларида файласуф нуктан назари билан дарж этилган мураккаб, зиддиятли фикр ва тушунчалар ҳам Инсон ахлоқи, нафси, руҳи, айниқса, қоратиннинг маҳсуллари эди. Ҳар қанча янги ёки аҳамиятли бўлмасин, кўнглига кириб бормайдиган, кўнгли қабул этмайдиган шеърни Бедил шеър деб қабул қилмасди:

Ҳарфи номанзурӣ дил як нукта ҳам бешасту бас,

Мавний дилхоҳ гар сад нуха бошад ҳам кам аст.

Мазмуни: Кўнглига манзур ва мақбул келмайдиган гапнинг бир зарраси ҳам умуман кераксиз эрур. Дилга хуш келадиган ёқимли мазмун юз бўлса ҳам барибир камдир.

Улуғ Бедил Шарк адабиётида биринчилардан бўлиб, кўпчилик илм ва ижод аҳли фалсафа деб юрган ақида, тушунча ва ҳукмлар фалсафа эмаслиги, фалсафа ўларок ҳали қабул қилинмаган ҳақиқатларда ҳаёт фалсафаси яширин ётганини муваффақият ила кўрсатиб берган эди. Тўғри, ушбу йўл ва йўналишдаги интилиш ҳамда изланишларида Мирзо Бедил адашган, хатога эрк бериб, мавҳумлик хилватларида оғир азият чеккан вақтлар бўлган. Чунки маълум бир муддат у хинд, айниқса, юнон фалсафаси тавсирига берилиб нафс ва рух, олам ва одам, фано ва бақонинг асл моҳиятига

етинида чилитган. Аммо чалғиш, адалиш, тушқунлик офатларидан уни қурбон қилм ва Ҳадиси шариф кутказган. Шундан сўнг шoir кесирт - кўлик, ваҳдат - бирликнинг сояси эканлиги, нозулидан кутулмай, олий ҳақиқатни идрок қилиб бўлмаглигига асло шубҳаланимаган.

Бедил биздан ҳеч иккиланмай шеърхонни инсон қомиллиги унинг ожизлик ва ноқисликлари билан, маънавий қучи ахлоқий қучиқлиги билан, табиий майллари қибуру ҳаво, ёлгон ва риёта қўлиниб-қоршиб кетганлигига тўла инонтаришга уринади. Тоҳо ва одам тақдир, бахт ва шодлиги, унинг жамиятдаги мавқеи қулуида фалсафа ва адабиётда илгари сурилган фикр ва ҳулосалар Бедил тасаввурида гафлат, ночорлик, қалтабинлик, таъминқозиликнинг жонли сувратлари бўлиб гавдаланади.

Бедил ижодиятида оқни қорадан, исикни совуқдан, эзгулик ва оқинжанобликни ёвузлик ва тубанлиқдан ажратиб таърифлашнинг ҳеч иложи йўқ. Буни англамаган ёки англашга қарқин етмаган шеърхонлар, хусусан, ўзини Бедилга издош қилиган қаламкашлар улуғ шoir асарларини бир ёклама тушуниб нато ва уйларида мулоҳазаларни ўртага ташлашган.

Маълумки, ҳар қандай буюк ижодкор шахси ва меросини, инсон қадар беҳато баҳолаш, энг аввало, у яшаган тарихий давр ва шoir шароитини билишга боғлиқ. Бу гап Бедилга кўпроқ тегишли. Авторини шарқшунос Е. Э. Бертельс айтгандай, ҳеч шак-шубҳасиз Бедил ўзинга ҳос ва бетақрор шoir. Аммо унинг ижод оламига кириш йўли у мансуб ижтимоий, сиёсий, адабий муҳитни пухта ўранишдан бошланмоғи керак.³⁵

XVIII асрда Бедилга издошлик шеърда бир жараянга айланган бўлса, XIX асрда ўрта Осиёда бу пайравлик тақлид ва натижи кўр-қўрона бедилпарастликка айланган экан. Айний адибнинг ёзишча, мазкур ҳодисанинг маъзи пуч ва бедилпарастининг биринчи бўлиб донишманд адиб Аҳмад Дониш инни нозулиб ва исботлаб берган.

³⁵ Бертельс Е. Э. История литературы и культуры Ирана. Москва. 1988, стр 352-353

Баззи буюк талантларнинг ижодидан ўрганиш, илҳом ила ибрат олиш мумкин, аммо уларга тақлид қилиб бўлмайди. Чунки тақлид қилган каламкаш ижодий кийфадан бутунлай ажралади. Бедил сониё бўлишни хоҳлаганлар эса “Унга шакл ва усул бў жихатидан тақлид қилиб, шоир ижодининг фалсафий, ижтимоий ва сиёсий моҳиятини тушунишмаган ёки тушунишни истамай фақат тасаввуф томонига ёпишиб олганлар”.⁵⁶ Бедил шу бадбахтликни аввалдан кўргандай мана нима деган:

Муддан дар гузар аз даъвии тарзи Бедил

Сеҳр мушқил, ки ба кайфияти эъжоз расад.

Мазмун: Эй даъво бандаси, Бедилдай ёзиш ниятидан воз кечтил. Ахир сеҳр билан мўъжизата эришиб бўлмайди.

Бедилнинг тасаввуфга муносабати, уни англаш, унга суянишдан кўзлаган максоди бутунлай бошқа эди. Ундаги илоҳий туйғу, маънавий завқ-шавқа тақлид этиб бўлмасди. Шоир ҳақиқий ишк ва ирфон оламида воқеликдан самовотга, моддийётдан руҳонийликка юксалиб, тахайюл водийларида қанчалик сайр қилмасин, инсоннинг инсон олдидати бўрчи ва вазифасини у ҳеч пайт унутмаган. Шунинг учун ҳам файласуф шоир юракни кучлантирувчи неча юзлаб мана бундай сатрларни битиб қолдирган:

Ҳасти жуз жон қанино хун хўрдан нест,

Аз олами марг айши жон бурдан нест.

Дар ҳалқ бурунни ҳалқ будан ғалат аст,

Сухбат бо зиндагист, бо мурдан нест.

Мазмуни: Тириклик ва тирикчилик жон узишу, қон ютишдан иборат бўлмаганидек, ўтар дунёда фақат жонни асраш ташвишида яшаш ҳам эмас. Кўринишда ҳалқ билан бирга бўлиб, ичда ўзини ҳалқдан четга олиш ғалатдир. Одамнинг одам билан суҳбати ўлим ҳақида эмас, балки ҳаёт ва инсон тўғрисида бўлмоғи лозим.

Бедил шеъриятини ўқиш ва англаш – одамнинг зоҳири ва ботинида қанча маъно, қандай товланишдати моҳият мавжуд, шуларни бирма-бир билишга, мушоҳада этишга бел боғлаш дегани.

Бедилхонлик – инсон руҳи, тақдири ва ҳақиқатларини шеър ойнасида кўриш, шундан хулоса чиқариш демак...

Бизнинг юртимизда бедилхонлик қадимий бир жараён. (Эдинини замонларда унинг шеърлари асосан аслиятда ўқилиб, мулоҳаза ва шарҳ қилинган бўлса, кейинчалик улардан айримларини ўзбек тилида ўқишга ҳам эришилди. Шоирнинг “Қомде ва Муддан” достонини Назармат, рубоий ва ғазалларини Ш. Шомухаммедов, Жамол Камол, Матназар Абдулҳаким, Эргаш (Энилов)лар таржима қилиб чиқаришган.

Бедилшуносликка келадиган бўлсак, бу илмий йўналиш дунё миқёсда устод Айнийнинг талқикотлари, хусусан, “Мирзо Абдулқодир Бедил” китоби билан бошланганлиги фанда аллақачон эътироф этилган. Шундан кейин Бедилнинг ҳаёти, ижодиётига бағишланб аллома Абдурауф Фитрат, машхур шарқшунос Е. Э. Вертелсе, академик И. Мўминов, профессор Ш. Шомухаммедов, Ш. Шукуров ва бошқа олимлар ҳам илмий асарлар ёзишган.

Хуллас, Шарқнинг улуғ файласуф, мутафаккир ва мутаассиф шоири Мирзо Бедил шеърияти тубсиз бир денгиздирки, унинг баҳра олиш, фикр ҳаёти учун фойдаланиш ҳеч қачон тўхтамийди. У ўзининг тафаккур қувватига тўла ишонганидан фалсафий идрок усули билан оламни ғафлатдан кутказаман деган:

Қатъ усули малорикки ҳикмат,

Олмасро барорам аз ғафлат.

Шундай ҳикмат ва ҳимматга башарият ҳозир ҳар қачонгидан қанч муҳтождир.

“Тил ва адабиёт таълими” журналич, 2014 йил 10-сон

ТАСАВВУФ ВА МАХТУМКУЛИ ШЕРЬЯТИ

Туркий шерьятда шижоат билан от сурган шоирлар тарихда кўп бўлган. Амо улар орасида туркман миллигининг фидойи фарзанди, беназир шоир Махтумкулидай аср ва абадиёт санъаткори макомига юксалганлари жуда кам. Буюк шоир:

Махтумкули юрғамда бир ўт бор,

Ҳеч бир дилда бунинг каби ўт ёнас, —

деганда нечоғли ҳақ бўлса. “Сўзим билан олдим мен бу дунёни”, — деганида ҳам шунчалик самимий сўзлаган. Махтумкули Фирогийнинг бетакрор шахсияти ва фавқулодда жозибали шерьятига кизикиш нанки туркий элатлар, балки башарият микёсидаги мадания, адабий воқеага айланганлиги мутлақо табиийдир. Хуллас, миллият десангиз — миллиятда, шижоат десангиз — шижоатда, эл-юртта садоқат десангиз — чин садоқатда Махтумкулини тақрорлайдиган мутафаккир қалам соҳиби йўқ. Зеро, ижод буюклик ва матонат ўрин алмашадиган, кимнингдир мавзе-мартабасини ўзга биров эгалайдиган ҳодисамас. Ҳақкиий шоир қисмати ва келажатини унинг жамиятдаги нуфузи, моддий имконияти, олқишу муқофотлар эмас, юрак қони, рух изтироби билан яратилган бадиий матн ҳал қилади. Ўзига хос муқамал бадиий матн яратишни улдлаб билмаган каламкашнинг ютуғи бақосиз, омади омонат. Махтумкули шерларини тадқиқ ва талқин қилиб, уларнинг туғилиш тарихи ва маъно-моҳияти, фазилатидан баҳс юритганда сўзи, руҳи, ғам-ғусса оҳанги, ранг ва ифодаси ёлғиз Махтумкули Фирогийга тегишли поэтик матн ягона таянчлигини мушоҳада қилиш лозим. Мана шунда шоир шерларининг ҳаётий, ахлокий, диний, сиёсий, фалсафий ва тасаввуфий манзаралари ўз-ўзидан ёришиб боради.

Энди бевосита тасаввуфга тўхталадиган бўлсак, тасаввуф маданияти ва тафаккури Ўслон дини ва маънавиятининг ажралмас қисмидир. Тасаввуф маслагати — ирқ, миллат, мазҳаб ақидаларидан баландлаб Ҳақ ва ҳақиқат, ишқ ва маррифат водийсида яшаш демак. Чинакам тасаввуф инсонни ҳар кандай маҳлуд фирр, ғайриахлокий офатлардан кутказди. Мутасаввифларнинг умумий

қонунин бўлиши, тасаввуф дини-деванани вагиъта, жоҳилу гумроҳни маррифат дарвисига айлантиради. Дарҳақиқат, нодон, олчок, талланган маъда қисмани тасаввуфий тарбия ўзининг кўрқоклиги қандай тубилликлардан уйлайдиган, ишқ ва ирфонни ҳар нимадан устун қўриётган бутун шахс даражасига кўтаришга қодир. Бунга инсония қосил эгши учун Махтумкули шерьятининг юрагига қулоқ тутиш лозим. Ориф шоирнинг “Бў айёмда бош оёқдир, оёқ бош, яқин қайсан, ёмон қайси — билнимас”, дея қуйиниши бежиз бўлмаган.

Тасаввуф билан жонли вобасталик Махтумкули шерьятида яқин аниқланилдиған ҳолат. Ҳатто оддий ўқувчи ҳам шоирнинг асосийлик, кўбровийлик ва нақшбандийликка муносабатини билганида унга қиналмайди. Бундан ташқари, нубувват филозофиясининг терини ўзлаштирилиши Махтумкули яратган ҳамд, ишқ, муножотлар қатори орифона шерларининг ҳам файзига файз бўлган.

Туркий халқлар тарихида илк тарикат ва тасаввуфий алоҳиётга асос солган Ҳожа Аҳмад Яссавий меҳроси Махтумкули Фирогий шерьяти учун диний-ирфоний бир манба ролини ўтаган

Қилди анга Ҳақ раҳмат,

Нурни тасаллийи қудрат.

Хирқа кийган Ҳожа Аҳмад,

Сайрамадир, Сайрамада.

Шунингдек:

“Ё Аҳмад Яссавий, иқлим эгаси, Менинг соҳибжамоллини қўриқдингму?” қабил мисралар Фирогийнинг Яссавийга қанчалик юзганини, унга ўзини нечоғлиқ яқин хис қилганини изоҳсиз аниқлатади.

“Девони ҳикмат”даги маъно, истилоҳ, таълиму таъсиллар назаридан битилган байт ва мисралар Махтумкули шерларидан таърифий тизилиб келади. Масалан, Яссавий нафси зотимдан

*Нафсим мени йўдин уриб хор айлади,
Термутириб халққа мени зор айлади,
Ётсам, турсам шайтон билан ёр айлади.* -

деса, Махтумкули “Ҳасрат билан кечдим хайронда қолдим, Нафс ила шайтоннинг поймоли бўлдим”, дейиш билан қифояланмасдан, то хануз долзарблигини сақлаб қолган “Одам ўтги ўзин билмас, Нафсини ўзга иш қилмас”, деган умумлашма фикрни илғари суради. Ясавий айтган “Тўрт оёғлик чўбин от бир кун сента етаро” деган оғохлантирувчи тап Махтумкулида “Сафар қилгун” бир кун ётоқ от билан” тарзида ифода қилинган ва ҳ.к. Тавқидлаш жоизки, Ясавий хикматларининг нузли, ўтги нафаси Махтумкули кўнгли ва шуурида гуркираб айланган. Бундай издошлик ҳатто ўзини Ясавий мактабининг вақили деб ҳисоблаган қаламкашларга ҳам насиб этмаган.

Тасаввуф адабиётимизда мунозара, қичик шакллари дoston намуналарининг пайдо бўлиши аввал кўрилмаган бир тажриба. Бу хил асарлар илк маротаба иккинчи Ясавий дея шарафланган Сулаймон Боқирғоний томонидан битилган бўлиб, улар “Нафс ва рух мунозараси”, “Биби Марям китоби”, “Охир замон китоби” қабилидир.

Диний-маъруфий ижод тажрибаларидан Махтумкули завқ олган мутасаввифлардан бири, ҳеч шубҳасиз, Сулаймон Боқирғоний бўлган. Махтумкули шеърларида ушбу ҳақиқатни тасдиқловчи ўнлаб далил, ҳилма-хил эътирофлар мавжуд. Биз эса бу ўринда бир жихат – Махтумкули Ҳазрати Юсуф, Ҳазрати Али, Ҳўтан шохига бағишлаб асарлар ёзиб Боқирғоний дostonнавислигини давом эттирганини эслатиш билан чеklangимиз.

Ўн бешинчи асрдан кейин форсий ва туркий тилда қалам юритган улкан ижодкорларнинг деярли барчаси муслмон оламида тариқи олиқ деб таърифланган нақшбандийлик тариқатига мансубликни олиқ шараф ўлароқ баҳоналаган. Нақшбандия – ишк ва жазба, сулҳ ва тараккиёт, факру фано ва мардлик сулуқи. Бухорои шарифда таҳсил олган, Нақшбанд таълимоти астойдил

ўрганиб, аминин Бухорода шавқи илоҳийга тўлиқрган Махтумкули Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий таълаган маърифат ва қонилик йўлига, албатта, бефарқ қололмасди. “Шоҳ Нақшбанд”, “Бир нон келтирдим” каби шеърлар Нақшбандия эътиқоди ва мувофиқлигини билини ифодасидир. Шундай шеърлардан бирида ундайди:

*Бир кеча ётардим, шох Нақшбандий –
Бухорудин деган девона келди.
Бухородан келмиш ҳассасин суҳраб,
Ҳақ шукҳида масту мастона келди.*

*Ёнида бир неча дўст – ёр турдилар,
Мажлис ташкил этиб ҳалқа қурдилар.
Наҳрлар чекдилар, самов урдилар
Оҳу фазонидан жон жона келди...*

Сўфийна жазба ва сурудан қанчалик масту мустанрик турмасин, Махтумкули барибир, энг аввало, ҳаёт шоири, шогирдидан асно ғироклашмаган ижодкор. Унинг руҳи узлуксиз равишда қалқиб турди, Ватан дарди билан ёнган.

Дунени тарқ этмаслик, унинг бағридошлик ва қўлдошлиқларидан ўзини четга тортмаслик учун шоир гўё юзма-юз жангга қорниб уш аёвсиз танкид остига олади.

*Дунё ёлғончидир, ҳирсу ҳавасдир,
Ёлғончиға бел боғламоқ абасдир...*

Ўзини оламида қимқи сўфийликни танилаган бўлса, демак у қалқонини макомига чиққан, қимқи дарвешлик тариқати кирган экан, демак унинг кўнгли ирфон маҳзанига дўнган деган бир саёз қорни қўнғоронлик қилган. Аслида бундай эмас. Ориф, дарвеш, шайх, сўфий, фикир илдоосидигилар сафида риёкор ва қаззоби, тоғланган ва қаллоби ҳам кўп учраган. Азрок сўфийлари деб шайхнинг тоғна эса сўфийликни никоҳ қилиб, мол-мулк, ризқ ва бору эътибор таразига ўзларини дару деворга уриб, ҳеч қандай ифтихорининг ҳазар этишмаган. Махтумкулининг:

*Сўфийлар нафс учун малла тўн кыр,
Шубҳали таомни ҳалол деб эяр,
Шайтон феъли билан каромат дээр.*

Ёхуд:

*Бир гуруҳ сўфийлар "сўфиман" дейди,
Сўрамай зотимлар таомин ейди,
"Бизни яхши килиб десимлар" дейди,
Ҳар эшикда ҳалқа кура бошлайди.*

деган сўзлари сохта сўфий, танбал ва тама кули бўлган дарвешларни фош этишга йўналтирилган. Аслида дарвеш кўнгли дунё ва моддий манфат хирсу хавасларидан тозаланган, иродаси қаноатидан, қаноати сабр-бардошидан мустаҳкам ишқи илоҳий соҳиби сифатида ибрат кўрсатиши зарур саналган. Махтумқули яратган дарвеш образида толмас курашчи та хос ҳолатлар характерлидир. Бунинг туб сабаби эса мана бундай: Она ватани, заҳматқаш халқининг бирлиги, ҳамжихатлиги ва истиқболлиги нима тўсқинлик қилса ё зийн етказса, ҳақтўй шоир, албатта, шуларга қарши бош кўтарарди. Одамларнинг ягона миллий маслак, қунига қуч қўшадиган эътиқодий қарашларига қим қайрилиб кўрсатса, чин шонининг сўзи, албатта, ўз-ўзидан қурулган бўлади. Махтумқулида худди шундай. Хорланган ва эзилган, алданиб, адашган юртдошларини ягона ғоя, умидбахш орузлар атрофида жингслагштириш учун Махтумқули тасаввуфдаги тавҳид ва ваҳдат ҳолидан фойдаланади. Ваҳдат кўплик ҳиссиётларидан қутқалиб, бирлик, илоҳий ирода қувватига тўла суяниш демак. Тасаввуф аҳлининг ирода қалбидан қўзғалган максаллари унинг маълум ва машҳур маъносидан фарқланади. Уларга қўра одатий бирор бир нимани бажаришга киришиш ва қатъий кўрсатиш нафсининг орузи – ҳадисун нафс эрур. Ирода эса ишқ ва ирфонда кўнглини ишғол этган яқин ҳолидир. Имом Қушайрийга қўра "Ирода сайри сулукнинг ибтидои. Оллоҳ висолига восил бўлишни кўзлаганлар етишган илк манзилнинг номи ирода эрур..." Илоҳий ирода талабон бўйича ҳаракат этмок учун дарвеш ўзининг башарий иродасини тарқ айлаши лозим. Шунда унинг сийратига ҳар турли кўрқув,

таънаб, ожизликни ҳасдай қуйдириб ташловчи олов ёнади. Дарвешларнинг ғам-ахлами худди шу боис инсон вужудлиги нафисларини парчилаб, дунё зиндонидиларини маҳбусликдан қотди етади. Бу – ҳақиқаткам қаромат эмас. Махтумқули ўша илоҳий ирода нафисига асосланиб:

*Қатор бўлиб хаёф солади тулқилар,
Орни йўлбарс, ўлар бўйсанг ўй энди,*

деган

Ўзбек ва туркман – тили тилига, дили дилига монанд миллат. Ақлини пилгад улар ҳаёти, оруз-армони, қувонч ва қайғуси ўзаро яқин, қисматдош халқ. Ўзбекнинг қалбини зир қакшатган сиёсий қалқув, қовий қирқандилик туркманни четлаб ўтмаганидек, туркман тоғи ва турмушини мусибатга қулгаган қулфат ва таъқирлар ўзбекнинг ҳам руҳини эзган. Босқинчилик урушлари, қовон улкан умид йўлидаги тўсик ва ночорлик зарбалари бу икки қардош элнинг умумий ғам-ғуссалари эди. Ана шунинг учун ҳам Махтумқулининг бебаҳо шеърлари ўзбекнинг кўнглига қуч-қувват қўйиб, номусу ор, дину диннаг қурашга чорлаб келган.

Қўрқа-қўрқа тубан аҳволга тушидик.

Тандир нима бўлса қўрилсин энди...

Эи ақиллар, мадақдор бир ҳудудир,

Ани тулқилар сўзрилсин энди.

Хулосан қалом, ясавийхонлик, навоийхонлик, фруулихонлик каби Ўзбекистонда махтумқулихонлик жараёни ҳеч қўшмадан диним этиши муқаррар.

Носҳа бўлса эл, борлиси абас,

Давлат бўлиб, навобат душмана галгай.

Донишманд шонининг ҳикмати бу сўзлари бўлган туркман элги кам, ўзбек элги кам теппа-тенг аҳамият қасб этишини нафислаб, албатта, фараҳли.

"Ўзбек тили ва адабиёти" жўрнали, 2014 йил 3-сон

БИР ОБРАЗ ТАРИХИ ВА ТАҚИРИ

Адабиёт инсон руҳининг бир ойнаси. Одам қисмати бевзан шу қадар мураккаб, шу даражада зиддиятли бўладики, унинг туб моҳияти ва ички боғланишларини фақат адабиёт сувратлантириб кўрсатиши мумкин. Хис-туйғу, кайфият, эҳтирос, аслини олганда, ўткинчи, яъни бақосиз нарсас. Аммо улар адабиётдан жой эгаллаганда, ҳар бири одам маънавий-руҳий оламнинг тирик бир "тилмоҳ"ига айланади. Шарк мумтоз адабиётида шу бонсдан ҳам ҳолат ва ҳол тасвири, хис-туйғу драмаси, дард, изтироб ва руҳоният "спектакл"и алоҳида ўрин эгаллаган. Қисматдан қисматга томон бориш, танҳоликни фақат танҳолик орқали босиб ўтиш "йўл"ларини айрилик ва хижрон азоблари жуда тез ойдинлаштиради. Маҳрумият ва йўқотиш азоби қучайганда, эришиш ва ғаниматчилик майллари ўз-ўзидан ортиб, янги бир кўникмани юзага келтиради. Бобур Мирзо бежиз "Ёр қадрин билмадим, то ёрдин айрилмадим..." демаган.

Хижрон ғамидин заиф жонини сўди,

Ғурбат алми бирла ичим қон бўйди.

Жонни сўлдириб, ички конта тўлдирган бу беаёв ғурбат ва хижрон Бобурни йитилгикдан бошлаб то сўнгги нафасигача таъкиб этган. Бобур шеврларини ўқиганда сезгир шеврхон бениҳтиёр хижрон кийноқларининг тур ва даражалари, ғурбат ва ғарибликнинг ҳали номланмаган "мақомлари" ҳақида фикрлашга тушиб кетади. Ва битта юрак шунча қуфат ва жудалик, шунча ҳасрат ва ғам-ғуссага чатнамасдан, тўхтаб қолмасдан дош берганга хайрон қолади. Бобур шу қадар росттўйиқи, бошига ётилган балою офат, толесизлигу надоматларнинг барисидан бир йўла қутулиб "ўлум уйкусига" чўмганини ҳам яширмайди: "ўлум уйкусига бориб жаҳондин бўлдим осуда. Мени истасансиз, эй дўстлар, кўрсансиз уйкуда".

Бунақа ҳаёл ва кечинмалар Бобур кўнгилдан қўп ўтган. "Бобурнома"да эса "Бу оламда ўтган вақоъийи туш ва ҳаёдлек кўзимга ва кўнглумга кўрунур ва кечар эрди", деган фикр бор.

Ёрдин бу таш қутилмаган бир ҳодисага шарҳ сифатида айтилган бўлса да, Бобур нитоҳида ўткинчи дунёнинг қанчадан-қанча воқеа ва ҳолатлари айнан рўё ва ҳаёлга мензлаб қолганди. Аммо "ўлумнинг улуг шожайларига қоронгу кечада уруниб, йўл итируб, ноз ташини билан тон" оттирган бир тун – Шайбонийхондан келиниб бобошари Самарқандни ташлаб, Шайхзода дарвозасидан ўтганига чиниб кетган тўнни у ҳеч унутолмасди. Ўша мудҳиш тўнни эълоҳида "аллоҳи бодани музлаб кетар, яраганган арслондек ўзини қирғат урғинни билмай қолар эди".³⁷

Умридаги Мирзо ўғилларининг тўнғичи Заҳриддин Муҳаммад Бобур бўлса, қизларининг қаттаси Хонзодабегим эди. Бобур у ҳақида "Бори қизларидан улуг Хонзодабегим эди, менинг билан бир тўқсон эрди. Мендин беш ёш улуг эрди", дейди.³⁸

Қай бир томондан опанинг толеи уқаникига ўхшар, шу ўқаникни уларнинг ҳар иккиси учун ҳам бахтсизлик ва ҳасрат эди. Қаниннинг уқига, уқаниннг эгачига қуйинишлари эса юракда қанқиб қайту ва ғусса бўлиб оқарди. Хонзодабегимнинг бахтсиз тоғларини, омилсиз ҳаёти учун Бобур ўзини айбдор ва гуноҳкор деб қараётган.

"Мен Самарқандни олгонда, - дейди Бобур, - ўн тўққуз ёшда эдим. Не қўп иш қўруб эдим, не тажриба бўлб эди. Иккинчи бўлиб, менинг ғанимим Шайбонийхондек пуртажриба ва қўп иш қўрган ва улуг ёшлик киши эди..."³⁹

Шайбонийхондай тажрибаги "қўп иш қўрган ва улуг ёшлик киши" билан жанг қилиб, уни мағлуб этиш Бобур учун ростдан ҳам янги иш эмасди. Навбатдаги урушлардан бирида ғанимнинг ғолиб бўлишига бир сабаб шу эди.

"Бобурнома"да ёзилмишча, ўшанда "Шайбонийхон сулҳ қилиш ордига" ташлайди. Бобур чорасизликдан сулҳга рози бўлишнинг низоҳлаб дейди: "Агар бир тарафдин умдворлиг

³⁷ Заҳриддин Султон, Бобурнома, Тошкент, 1997, 26-бет

³⁸ "Бобурнома", Тошкент, 1960, 66-бет

³⁹ "Бобурнома", 141-бет

бўлса эди, ё захира бўлса, сулҳ сўзига ким кулоқ солур эди. Зарурат бўлди, сулҳгина қилиб, кечадин икки паҳр бўлар ёвушуб эдиким Шайхзода дарвозасидин чиқилди. Волидам хонимни олиб чиқтим, Яна икки хотун киши чикти... Менинг эгачим Хонзодабегим ушбу чикконда Шайбоқхоннинг илтига тушти”.⁴⁰

Мухаммад Ҳайдарнинг ёзишича, Бобур Хонзодабегимни “Шоҳибекхон Самарқанди камал қилганда ўз жонини кутқариш эвазига хонга бериб Самарқанддан кетган эди”.⁴¹

Тулбаданбегимнинг ҳам фикр-мулоҳазалари шунга яқин: “У хазаратга (яъни Бобур Мирзога – И.Х.) дуч келган уқубат ва хатарлар оз подшоҳларга дуч келган... Олти ой давомидида Самарқанддин олмоққа уриндилар, лекин максадларига ета олмадилар... Ҳеч жойдан мадад келмагач, маънос бўлдилар. Анди шундай вақтда Шоҳибекхон “Агар ўз синглингиз Хонзодабегимни мента берсангиз, орамизда сулҳ тузилди ва иттифоқлик алоқалари ўрнатилди”, деб айтишга юборди. Охири Хонзодабегимни, ўша хонга бериб, ўзларининг қайтишлари зарур бўлди”.⁴² Демак, Шайбонийхоннинг сулҳдан кўзлаган асосий бир максали Хонзодабегимни хотинликка олиш бўлган. Чунки тарханий китобларда қайд этилганидек, унда “Темур ва Чингизий наслидан киз олиб Туркистонда матнавий нуфусини юксалтириш” нияти ҳам йўқ эмасди.

Бобурга кўра сулҳ тузиш ташаббуси Шайбонийхондан чиққан. Шайбонийхоннинг ёзишича, нанки сулҳ, мурувват ҳам тиланган: “Басо, Самарқандда бир ботмон бўғдой минг олтунга етти. Бобур Мирзо қариндошини бериб (Хонзодабегим назарда тутилмаётир – И.Х.) мурувват тилди эрса, шафот қилиб юбордим. Бу ғазал анди воқе бўлди”. Ғазал: *Бор, бор Шайбон халосвор, сўла сўзунг мажнунвор, Топтинг эрашлар суҳбатин ҳар тун-ла сен ухламайин,*⁴³ деган мактаб билан тувайдик, моҳиятан химмат ва шафот

талабига мунофиқ келди. Эранлар суҳбатидан файз олган вақтда билинган жуло этилганда ҳам хакикатдан кўз юммаслиги керак Шайбонийхонда, афсуски, шу тўғрда етишмаган. Шайбоний эганида гапирганда, Бобур “менинг ғанимим”, “қари душман”, “Шайбонийхондек ғаним”, “қавий душман” каби ибораларни тез-тез қўллаган. У бир ўринда “Юз қирк йилга ёвуқ Самарқанд шайхони бегининг хонаводада (онга, сулолада) эди. Қандан ёт ёти ўйлар келиб мутасарриф (эгаллик, тасарруфга олган) бўлб эди”, деди.⁴⁴

Бобурнинг шундай бир қимсадан мурувват ё шафот тилашга яна бонлар қолмайд.

Уларига қолса, на Кутлуг Нигорхоним, на Бобур, на бошқа қариндош урулар Хонзодабегимнинг Шайбонийхонга турмушта яшашига ҳеч рози бўлишмасди. Биринчидан, у теурийлар бўлиб, бегимнинг ашаддий ғаними. Иккинчидан, Хонзодабегим билан янгида ўқитишга унинг хақки ҳам, ахлокий ҳукуки ҳам йўқ эди. “Нигорхоннинг” улуғ кизи (яъни *Меҳр Нигорхоним* – И.Х.), менинг кизимнинг тузмон эгачиси эди”, дейди Бобур.⁴⁵ Чунончи, Бобур ва Хонзодабегимнинг онаси Кутлуг Нигорхоним, Шайбонийхонга қатъийликка тушган Меҳр Нигорхонимнинг синглиси бўлган. Шайхат қону-қондиси бўйича жиян – Хонзодабегим, хола – Меҳр Нигорхон қундош бўлиши таъкиқланган. Бу таъқиқни хон шарият қарорларининг қўмағи билан гўё четта суриб ташлайди. Яъни янгида бул талоқ орқали очилади.

“Нигорхоннинг” улуғ кизини, – дейди хон, – талоқ солиб бегимнинг кизини (Хонзодабегим назарда тутилмаётир – И.Х.) янгида бу байттин айтиб йиборилди...” Байтда эса талоқ ҳодисаси қонун ва Ҳақ хоҳиши сифатида шарҳланган:

*Ким азаддан бўлса тақдир бўйла наилайин,
Қуфратин Ҳақ бўйла қайди уза тадбир наилайин.*

(214-бет.)

⁴⁰ “Бобунома”, 151-бет

⁴¹ “Тарихи Рашидий”, Тошкент, 2010, 354-бет

⁴² “Хумонома”, Тошкент, 1959, 25-бет

⁴³ Шайбонийхон, Девон, Анкара, 1998, 214-бет. Бундан кейин қалтирилган нусхалар ва шайхонийхонлар ҳам шу нақрдан олинган

⁴⁴ “Бобунома”, 141-бет

⁴⁵ “Бобунома”, 76-бет

Шўрлик Хонзодабегим эса бир кун келиб холасидан-да баттар ахволга тушишини хаёлга ҳам келтиролмади, албатта.

Ғурбат, ғариб, хажр, фирок, айрилиқ – булар Бобур шеърлигида, хусусан, рубоийларида теран тасвирланган тушунча ва ҳолатлар эди. Ушбу калималар бир ўринда шеърхон кўнглига оловдай ёпишса, бошқа жойда дард кўзаб жонни ўртайдди. Шонир зорланиб, “Нега бу фалак солғуси ғурбатга мени, Хар лаҳзи тулғусиз машакатга мени”, дейди. Ғурбат ва хасратнинг эса кети кўринмас, баъзан хатто нафас олиш ҳам оғирлашар, қогозга сўз эмас, балки кўз ёши оқиб тушарди:

Ҳижрон қарасида жон куши дам қиладур,

Ғурбат бу азиз умрни қам қиладур.

Не навъ битай фироқу ғурбат шарҳин,

Қим кўз ёши номанинг юзин нам қиладур.

Бундоқ қаралса, бу рубоий бегона ўлкаларда ёзилгандай. Аслида эса, у Афғон ёки Ҳинд тупроғидамас, ўз диёрида, бошқа бировларгамас, Бобурнинг опасига йўлланган мактуб муносабати билан битилган.

Давр ва даврон Бобур Мирзони кўп қулфат ва офатларга қозлаштириб, ақл бовар этмас айрилиқларга гирифтор этган. Шайбонийхон кўлига опасини ташлаб, Самарқанддан чиқиб кетиши унинг ҳаётидаги энг қийноқли ва унутилмас йўқотишлардан эди. Эгачиси билан у, асосан, элчи ва хат орқали алоқа боғларди. Мактублардан бири ҳақида хон шундай гувоҳлик беради: “Басо, Бобур Мирзонинг элчиси келди. Хатини қариндошига (яъни *Хонзодабегимга* – И.Х.) кўрсатдим. Эраса бир дардлиг ох чекди. “Қайда боргасен... қайда ер топгасен...”, деди”.

Шайбонийхон нечоғли қаҳри қаттиқ ва беумрувват бўлмасини, Хонзодабегимнинг ҳолатига бефарқ қараб туролмайди: калбини хотира оташи ўртаб юборади ва ўз укасининг душман кўлига асир тушганини эслайди: “Эраса менинг ҳам Махмуд Баҳодирнинг ёнига тушгандики ўти ичимда қайра килди (тақдор ёнди). Мирмардек куйиб кўзим ёши бирла бу ғазални айтиб йибордим...”. Мана, ўша ғазалнинг илк байти:

Фирқатнинг ўтида бағрим бори бирендур яна,
Қурмасам юзунгни бир дам ғайда гирёндур яна.

Мени бағтли ушбу шеърнинг кейинги сатрларидаги сўзлар мавқифини кўра, ихтиёрин тутқунлиқдаги аёл, яъни Хонзодабегим ахвол-руҳиясини кўтпроқ акс эттиради десак ҳато бўлмайди:

Сендин айру мен не бўлгум, мени сен сўрмас эсанг,
Ҳажр ўтидин дам-бадам бу кўнгул ҳумдондур яна.

Қуларим ёши оқиб кўксим ўтин сўндурмаса,
Уа сибобдин жисм шаҳри бори вайрондур яна...

(354-бет)

Дард, азоб, армон бор юракда инсонийлик сўнмайди. Инсонийлик туғилар дилини тарқ этмадими – демак шеърга йўл очик...

Шу ўринда Шайбонийхоннинг шоирлиги тўғрисида икки оғиз гап ёзилганди у арабий ва форсийни ўрганиб, дин, шарият ва ҳаётини ўқитиришга ҳам алоҳида диққат қилган. Хожа Аҳмад Масъумий йўллаган шоирларнинг тажрибеларига қизиқиш билан шўрра, Амшер Навоий шеърлигидан ҳам илҳомланиб ғазаллар ёзган. Намонига назиралари махсус қайдиар билан бошланган. Шайбонийхонни бошқа мумтоз шоирлардан ажратиб турадиган қурағишларидан бири, қундалиқ ҳаёт воқеа-ҳодисалари ва таассуфларини шеърга изчил асос қилиб олиши, билган ва хис этганининг мумтоз санъат талабларидан ўзоқ бир шаклда қогозга туширишлар. Шўрнинг учун унинг девонига анъанавий мавзу ва ифода йўлларидаги четта чиқмаган замондош ижодкор асарларига қараганда тарих, этнография, фольклор, география каби соҳаларга асар қайта ва маълумотлар кўпдир. Тўғри, Шайбонийхонни улкан дар интиҳол соҳиб дейиш, албатта, ҳақиқатга мувофиқ келмайди. Аммо унинг:

Билгин, эй Солиҳ, Хонтоҳладур мева,
Ётнимлар учун хуштур Ирник билга ул Хива.

Майхоншару май кўптур Хоразмнинг элинда,
Сунфларичиб андин гур-гур этадур тева.

Машук неча зебодур, ошк анга шайдодур,
Анга филодур жоним хар неча килур шева...,
каби байтларини бошқа бир қаламқашла учратмайсиэ.

Шайбонийхоннинг ҳаёти, сиёсий фаолияти, янги бир давлат барпо этилиши кураши, адабий мероси олис асрлардан бўён илм-фаннинг турли мутахассислари томонидан тадқиқ этиб келинган. Аммо қилинадиган ишлар ҳам оз эмас.

Қамолиддин Биноий, Мулло Шодий ва Мухаммад Солиҳ томонидан эса Шайбонийнинг баъдий образи яратилган. Биз бу ўринда Мухаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома" достонидати асосан мавзуга дахлдор жихатидан муҳтасар баҳс юритиш билан чеklangанмиз. Гапни достон муаллифидан бошлайдиган бўлсак, у XVI аср ўзбек мумтоз адабиётининг кўзга кўринган вақилларидан бири, билим ва савияси анча баланд, ҳаётнинг оқу-қорасини ажратишни яхши уқдлайдиган қалам соҳиби бўлган.

Алишер Навоий "Мажлис ун-нафонс" тазкирасининг бешинчи мажлисида унга ўрин ажратган: "Мухаммад Солиҳ – исми муносабати била "Солиҳ" тахаллус килур. Нур Саидбекнинг ўғлидурким, кўп вақтлар Чаҳоржўй навоҳисидин Адок навоҳисига деғунча аморат килди ва Султон Абду Саид Мирзо эшигида, Улғубек ва Жўги Мирзо эшигида соҳиб ихтиёр ва жумлат ул-мулк эрди..."⁴⁶ Лекин Нур Саидбек Абду Саид Мирзо қаҳрига учраб 1466 йилда Бағхда ўлдирилган. Бу қонли воқеа Мухаммад Солиҳнинг ҳаёти, дунёқараши, темирый шахзодаларга муносабати ва ижодига ҳам кескин таъсир ўтказган. Бунга унинг мана бу гапларидан ҳам илғаш қийинмас:

Мени гардун ситами килди стим,
Айлади кишвари ғам ичра муқим.

Хорлуқлар била ўстум бисёр,
Зорлиглар била кўрдум озор.

Қар филоқатки бўлур дунёда,
Қар қайсиендан эмон озода...

Миннат эттим бори мирзоларга,
Йилдалик андоғи доноларга

Кўрадим хайре мирзолардин,
Тилолим роёли донолардин.⁴⁷

Шоирнинг эътирофига қаралганда, барча донолар "Давлати наби Темури кеткусидур, Навбат ўзга кишига еткусидур. Ул киши бориур Шайбонийхон, Хони Шайбондур у маҳдийи замон", дея баъират қилинган. Амир Темури асос солган салтанатнинг бутунлай йорқинлиги кетишти инонган Мухаммад Солиҳ "маҳдийи замон" инсониятига нажот излаб боради. Шайбонийхон ҳам марҳаматини ўзига қаратиб тутмиқди. Ўртадаги манфаат яқинлиги, хоннинг ақлирий ишони ва сулушлари Мухаммад Солиҳнинг илҳомига тўғйири бағишлайди ва Шайбонийни ислом оламнинг енгилмас қасди тақрирланмас ҳалосқори киёфасида тасаввур этиб ниҳоят "Шайбонийнома" номли қатта бир достон яратади. Унда интиқомни энг олиғ сифат, фазилат ва қамдан-қам шохларга насиб этган амеллар соҳиби, дину диёнат адолатидан, адолати тиббатидан юқори, енгилмас қаҳрамон билан учратади. У мусулмон инсоннинг беғавир бир ҳукмдоригина эмас, балки пайғамбар инсонини эълолган бир зот: "Хон эмас Ҳазрат Мусолдур бу, Қул не йилури – иди байбодур бу..." Ҳаммадан кўра унинг Сулаймон пайғамбарга монандлиги алоҳида таъкидланган: "Не ажаб хонни тудайиш доғоним, Бори оламға они хон деғоним. Қим онинг ағуналадур вақш ила тайр, Ҳам онинг илқидадур шар била хайр. Ўн онинг ағриладур деву пари, Ҳукмида ер юзининг хушқу тари..."

Шайбонийхон Бухорони кўлга киритгач, ўлка хокимини Божитархонининг мол-мулкини талон-тарож қилиб, унинг набирасига ҳам уйланади: “Ул набира ўн икки ёшда, лек юз фитинанинг бошида. Аҳд этиб они кўнига олди, Нақд ишқини кўнгулга солиди... Бўлди хон кўнгли баса мойил анго, Кўкси узра бедаи манзил анго. Гах тутар эди онинг табъабини, Гах сувсар эрди шакардин лабини. Гах сочин ислар эди, гохи юзин, Гах кошнин сайлар эди, гоҳ кўзин... Оқибат васл гули очилди, Хар тараф борглари сочилди”. (54-бет)

Эҳтимол, “ўн икки ёшда”ги ўша норасида китоби Шайбонийхоннинг набирасидан ҳам кичик бўлгандир. Эҳтимол, “юз фитна” нари турсин, хон кўнглини мойил айтайдиган хиссиётлар нималигини ҳам у билмагандир. Тошкент ҳокими Султон Маҳмудни асир этиб, унинг ҳам ёш кизчасини никоҳлаб олинишинчи? Умуман, “Шайбонийномада” бош қаҳрамон учун ахлоқ фазилати каердан бошланиб, ахлоқсизлик қандай ва қаерда туғилиши фарқлаш баъзан кийинга ўхшаб қолади. Шунингдек, дoston муаллифи “Йом аз замон ва Халифатур раҳмон” ҳазратларини мадҳ айлаб ибрат қилиб кўрсатмоқчимин ёки “тарихий ҳақиқат”га содик қолиб уни фoш этмоқчимин — тоҳо ажратолмай қoлaсиз.

Шайбонийхон Бухорони заёт этиб Самарканд томон юриш бошлаганида Бобур Кешда эди. “Кешта келгандан бир-икки хафтадин сўнг, - дейилади “Вақоъ”да, - хабар келдики, Султон Али Мирзонинг онаси Зухрабегим оға билмаслигининг на беақлннгидин маффи Шайбонийхонга киши йнборур, бу мазмун билаким, Шайбонийхон ани олур бўлса, ўгли Шайбонийхонга Самаркандни бертай. Отасининг вилоятин олгандин сўнг Султон Али Мирзога бертай”.⁴⁸ Зухрабегим нима деса, хон шуларни бажаришга ваяда береди. Иши биттач, ваядаво вохид хаёлга келтирилмай она ҳам, ўғил ҳам балоча гирифтор этилади. “Бу бедавлант хоҳун (*яъни Зухрабегим – И.Х.*) чун нокиси ақл эди, эрта тегар хавоси била ўғлининг хоҳу монин барбод берди”, - дейди

"Бобурнома", 135-бет

Ишраф Аҳмадиев ва аждоғи кӯрбони бӯлған мирзонинг қисмати,

[illegible]

Биринчи бу сўзларни эшитган хони мулкшир маликани

“...Эшпигиб мен сифатини бисёр,
Г’ойибона мен анга ошкуну зор.

Г'ойнбона мен анга ошику зор.

Мен Самарқандни онсиз нетайин,
Жасадли тирани жонсиз нетайин?

Жисалди тирани жонсиз нетайин?

Ўгли ўғлимдур, ўзи — ёрим,
Дилбару, хамнафасу дилдорим”.

Дилгбару, хамнафасу дилдорим”.

Кўради, она ва ўғил атрофида тўқилган ишончли ва ишонсиз таътирли буюмга қилиб хон бошлик аркони давлат "Онасин бир қўлини бердингиз", Ўғил ўрнида қабул қилинган мирзо эса қатл қилинган. Шонр эса қиссалдан хисса чиқаради:

Монг эл киссалан хисса чикаралн:

Лалнат ул нав анога ким ул,
Нафси учун ўлгума берди ўғул.

Нафси учун ўлума берди ўтул.

Кимки хотун сўзи бирла бўлғай,
Ажаб эрмас буки кони тўлғой.

Ажаб эрмас буки кони тўлғой.

Чунки Мирзо иши андок бўлди,
Шахрар хон кўллариға эврулди.

Шахар хон кўлларига эврулди.

(61-6er)

Шайбонийхоннинг ишқу ошқилик саргузашти шу билан тулаганида кулфат Хонзодабегим тақдирига баъки чанг солмасди. Унга ҳам хон гойибона ошқ бўлади: “Гойибона сифатини эшитиб, Ишқда иш бу ерларга етиб. Бир замон йўк эди ором анта Ох или нола эди ком анта. Селдек ёш оқар эрди кўзинин, Дард зоҳир бўлур эрди сўзинин... Кеча тонг отқуча бедор эрди. Ишқдин кўзларин хунбор эрди (116-117-бет)

Булар уйдирма ҳолат тасвирларидан бошқа бир нима эмаслигини изоҳлашга ҳам ҳожат йўқ. Хонзодабегим ва онасининг Шайбоқхонга муносабатини ақс эттирадиган сўзлар янада ишонсиз: “Қиз доғи бўлди фараҳноқ босе, Тушти онинг бошинга ҳам ҳаваси. Аноси ҳам фараҳ этти бисёр, Жон аро шодлик этти изҳор. Хон вақилин тилаб олдилар, Шаҳр аро тўй сўзини солдилар, Хонга ул ойин никоҳ айлادилар, Айш сўзин мубоҳ айлادилар...”

Бу парчадаги иккита калимага ишонас бўлади: бири – тўй, иккинчиси – никоҳ. Дарвоқе, Шайбонийхоннинг хабари бўйича қараганда тўй анча дабдаба билан ўтказилган: “Кўксаройда тўй қилиб волидамини тахтта миндириб, ул мажлисда зебо санамларин келтируб, ўғлум Муҳаммад Темур Баходирни сандалида ўлтуртуб бу газални айтдим”. Газал Хонзодабегимга атайганини қуйилган биргина байт ҳам тасдиқлайди:

*Ул парини Кўксарой ичинда ҳар дам кўрсатди,
Зулфи анбарбўю мушқини асфиди девонидур.*

(126-бет)

Шайбонийхоннинг маслак ва мафкурасида дин, миллат, юрт равнакига хизмат қиладиган муҳим жиҳатлар бўлган. Буни инкор этмаслик зарур. Бобурнинг Шайбоний шеърлари ҳақида “ҳар неча кунда бир бемаза байт айтув эди ва минбарда ўқитиб, Чорсулда остуруб, шаҳр элидин сила (инъом, бахшиш) олур эди”, деган сўзларини ҳам ҳолис танқид деб баҳоламаслик керак. Аммо Шайбонийхоннинг шахсияти жуда мураккаб, зиддиятли, ботинини оламидаги мустабидлик хирсларига бас келиш қийинлигидан ҳам кўз юммаслик лозим. Шеърларидан бирида у “Нафсу хаво бордур бадаида Шайбоний ёғу, Жуххол кўнамсалар ислом ила қувармен”,

деган бўён ҳам, ҳал қилувчи вақт ва ҳолатларда вужуддаги ўша “ёғ” дан гойиб қолмаган.

Шайбоний дин ва имон душмани Шох Исмоилдан Марвада яшар бўлиб, ўлдирилганда Хонзодабегим туркманларга асир тушган. Бобурнинг онаси эканлиги аён бўлгач, унга яхши муносабатда бўлиб, турли ҳада ва инъомлар билан Қундузга – яъни қуурига юборилди. Ўн йилдан зиёд узоқ айрилиқдан сўнг онанинг ула билан дийдорлашувини, яқин-яқинда сабога илтижо қилиб “Етти даг иштёк ила Бобурдин Зинҳор дегил: Салом тўқсонинга (яъни туғилганимга)” дея шеърый мактублар битган ўзининг илҳами меҳрини тасаввур қилинг. Иккинчи томондан бир қисмин аёлга қуёлинишини ҳам меҳрсизлик деб бўлмаслиги ҳам мумкин.

Шайбонийхоннинг ўкаси Махмуд Султон Хонзодабегим дунёдан қонадонининг фарзанди, ундан барибир дўстлик қаровилини ақсита тақдор-тақдор уқтиради. “Шундан сўнг Шайбоқхон ўкасининг маслаҳати билан бегим менинг ҳаётимга янги кимсалар деб ҳавфсирай бошлайдилар. Шу бонсдан уни талоқ қилиб, бирок сайилардан ... Саид Ходита бериб юборадилар”.⁴⁹ Марваги жангда Шайбонийхон билан бирга Саид Ходи ҳам қатл қилинган. Қундузга келиб яшай бошлагач, кўп вақт ўтмай Хонзодабегимнинг ишонган боғи, суянган тоғи – яққатина ўғли Мўминшоҳ ҳам вафот этди. Шонр бекорга “О, инсон қисмати қурулар чинил, бунчалар хилма-хил фожев ва аза”, дематан. Аёлга шу ҳақиқатнинг бир тимсоли темирйозда Хонзодабегимнинг мўнгли-мусибатли тақдир эди.

“Ўзбек тили ва адабиёти” журнали,
2014 йил 4-сон

ШЕЪР ВА ТАЛҚИН

«ЁРДИН АЙРУ КЎНГУЛ...»

*Ёрдин айру кўнгул мулкедорур султони йўқ,
Мулкким султони йўқ, жисмедорурким, жони йўқ.*

*Жисмдин жонсиз, не ҳосил, эй муслмонларким, ул
Бир қора туфродекдорурким, эру райҳони йўқ.*

*Бир қора туфроғким, йўқтур эру райҳон анга,
Ул қоронгу кечадекдорурким, маҳи тобони йўқ.*

*Ул қоронгу кечаким йўқтур маҳи тобон анга,
Зулматедорурким, анинг сарчашмаси ҳайвони йўқ.*

*Зулматеким, чашмаи ҳайвони анинг бўлмағай
Дўзахедорурким, ёнда раъзди ризвони йўқ.*

*Дўзахеким раъзди ризвондин уйғай ноумид,
Бир ҳумредорурки, анда мастица иккони йўқ.*

*Эй Навоий, бор анга мундоғ уқубатларки, бор
Ҳажрдин дарди-ю лекин васидин дармони йўқ.*

Ҳазал – Шарк шеъритидаги гўзал бир жанр. Ҳазал матнига ҳар жихатдан теран ёндашиб, уни мукаммал бир тарзда таҳлил ё талқин қилиш осон иш эмас. Шунинг учун у ёки бу шонрининг ғазалидан баҳс юритганда, биров ундаги ғоя ва мазмунни биринчи ўринга қўяди, кимдир ахлокий-тарбиявий асосга суяниб сўз айтгани, яна кайсидир тадқиқотчи ўзинча тасвир ва бадиийлик хусусиятларига эътиборни қаратади. Шунингдек, ғазалда диний, фалсафий тушунчалардан бошқасини муҳим ҳисобламайдиганлар бўлгани сингари, унинг гўзаллик сифатларини хиралаштирувчилар ҳам топилади. Бу гаплар навойшunosликка ҳам бевосита тегишли. Тил, тарих, бадиий ижод сирларини бир қадар яхши билган олим,

ани, таълимуф на қадим шарк фалсафасини пухта билмайдн, баъзан билишни урдалаганларда дид ва савия чаток ва ҳ.к. Шунинг учун мутафаккир шoir ғазалиёти тадқиқ ва талқинида баъзан даражада жўнлик ҳамда бирихилликка эрк берилган. Навоийнинг, Навонӣ девонларида туйғу, тушунча, тавр эътибори билан бири иккинчисига ўхшамайдиган ғазаллар жууда кўп. Иккинчиси ғазал ана ўшлардан бири.

*Ластаб у «бодойиъ ул бидов» девонидан ўрин олган, кейин
«Зарийиб уе-синар» та қиртилган.⁵⁰*

Устод Мақсууд Шайхзодаанинг шарҳига кўра мазкур ғазал «*бодован оёқ ташбих (ўхшатиш) приёми асосида қурилган. Шонрининг бадиий муддаси қанотланмаган ёҳуд жавобсиз севгининг дардини ифода қилишдир. Ўзининг бу ҳолатини у 7 табиъ билан, қаторма қатор, эмоционал лавҳалар билан, боран қайин тавсиротини кескинлаштириб баён қилади*»⁵¹.

Дармакикат, ғазалда оруз-умидига эришолмаган ошқининг қайи хотирдан чиқмайдиган усул ва гўзал таъкидларда таъйинланган. Лекин ғазал маъноси икки «қатлам»дан таркиб топган. Булардан биринчиси, ишқий, иккинчиси, тавбир жонз бўлса, иккинсоний-сиёсий қатлам. Шоир учун муҳими, ҳатто айтиш мумкин, шеърининг ёйилишига сабаб бўлгани кейинги маъно. Бундан жўно кўнгул ахлоқи мумтоз шеърятда жууда кўп нараса ва ноанъаларга ўқшатилган. Масалан, ойсиз тун, куёшсиз кун, тулу гўлоранг бўлбўл, шимдан йирок парвона, денгизи йўқ қайик ва ҳ.к. Навонӣ бу тил шеърини бир қадар ноанъанавий ташбих билан ёзибди.

Ёрдин айру кўнгул мулкедорур султони йўқ.

Мулкким султони йўқ, жисмедорурким, жони йўқ.

Ёрдин айру кўнгулни султони ёки подшохи йўқ салтанат ёҳуд навоийнинг кинеслинишида ҳеч қандай атайинлик сезилмайдн.

⁵⁰ Ёрдин, Аншоир Навонӣ. Муқаммад асарлар тўплами. Ёнгирва жилдиқ. 1-жилд. – Тошкент, 1987. – 376-377-бетлар. Аншоир Навонӣ. Муқаммад асарлар тўплами. Ёнгирва жилдиқ. 3-жилд. – Тошкент, 1988. – 333-333-бетлар.

⁵¹ Мақсууд Шайхзода. Аншоир Навонӣ лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари хақида. «Ўзбек адабиёти навалари». – Тошкент, 1959. – 242-бет.

Аксинча, ошик кўнглининг султони мавшука бўлмасдан ким, деган фикр хотирада янада катъийлашади.

Мулкким, султони йўқ, жисмедурдуким жони йўқ.

Бу гап ўқувчидан энди жиддийроқ мулоҳаза юритишни талаб қилади. Чунки ёрсиз кўнгли билан, подшоҳсиз қолган мамлакат тақдирини бир-бирига қиёслаш мувофиқлаштириб бўлмас бир ишдир. Ҳар қанча қийналиб, азоб чеккани билан ошик бўлган бошдан эгасиз мулк фуқароларига тенглашолмайди. Ва орадаги фожаия ёки кулфат микёсини аниқлашга уриниш умуман ақлга сиғмайди. Дейликки, хижрон қасасида ошик жон қушини қурбон қилган. Аммо у битта жон, битта қурбонлик. Энди султон ёки ҳоконсиз мамлакатни жони йўқ жисм ўрнида кўринг. Бу — ўша жой ёки қорда ҳаёт тўхтаб, ҳаракат издан чиқди дегани эмасми? Ҳўш, бундай бўлмаган, бўлмайди ҳам дейлик. Унда Алишер Навоий айнан шу масалага ("Мулкким султони йўқ, жисмедурдуким жони йўқ") нима учун диққатни қаратган?

Ҳорижлик олимлардан Мажид Фахрийнинг ёзишича, давлатчилик илимининг асосини ташкил қилган бошланғич нукта, Арастунинг инсон туғилишданок сисъатчи маҳлукдир, деган тушунаси саналади. Чунки у ҳамжизларнинг ёрдамсиз ўзининг моддий эҳтиёжларини таъминлай олмаганидек, зўравонлик ва тажовузлардан ҳам ўзини муҳофаза этолмайди. Зеро, фақат сисъий бирлик тажовузга мойил кишиларнинг, ўзгалар ишонч-эътиқодига қарши борадиган қучларнинг йўлини тўсишга қодир бир ҳукмдор бўлишини талаб қилади. Худди ана шу зарурият табиий бир муассаса бўлиш ҳукмдорлик муассасасининг туғилишига йўл очган. Бундан олдин нубувват, яъни пайғамбарлик муассасаси бўлса-да, давлат бошқарувиининг мукамаллашувига ҳеч қандай монелик кўрсатмайди.⁵² Алишер Навоий ана шу ҳақиқатни теран тушунигани бонс ҳам давлатнинг ҳукмдорсиз қолишини фожиянинг энг сўнгги нуктаси сифатида баҳолаган.

Давлат ва давлатчилик жорий этилгандан кейин мулкнинг подшоҳсиз қолиш ҳолисаси тарихда жуда кўп бора тақрорланган

бурнинг қарамай, газал учун мавзу ва таассуротни Навоий ўзи қиларди дегар ҳамда замондан олган. Чунки подшоҳсиз қолган юрт қулоғига мутафаккир шoir бирмас, бир неча бора туювх бўлган эди.

Тарихдан маълумки, 1447 йили Ҳуросон ҳукмдори Шохрух Мирзо вафот этган, ўғли ва неваралари ўртасида тахт, салтанат таъинлашуви бошланиб кетганди. Жанг ва босқинлар таҳлиқан тус олар, қалқ кимга ишониш ва нимага суянишни ҳам билмай қолган. Навоийда, тоҳ у, тоҳ бу шахзода ёки Мирзо қўлига ўта бошлаган даврда ҳам кун кечириш қийнлашади. Навоийнинг отаси Ҳусейннинг йақинлиги шу бонс юртни тарқ этиб, оиласи билан Йроққа кўчиб кетганди. Ўшанда ҳали етти ёшта ҳам қадам қўймаган Ашшарнинг хотирасига эгасиз бир мамлакатда рўй берган воқеаларнинг, зўравонлик, ночорлик фожиялари илк мартабада чизар ўриниш қолган ва бирмунча вақт ўтган, ўспирин шoir:

Кудин айру қўнгул мулкедур султони йўқ,

Мулкким султони йўқ, жисмедурдуким, жони йўқ, -

деб ёзган эди. Лекин ушбу фикр фақат болалиқдаги эмас, шoirнинг илтимай нафтиридаги кечинма ва таассуротларига ҳам дахлдордир. Чунки Алишер 1457 йил Абдулқосим Бобур ўлиминан сўнг таассуротнинг даъволаридан кўзгалган ғалаёнлар мисолида ҳам инсоннинг мамлакатнинг жонсиз жисмга мензаб қолишига тўла ишонган эди.

Ҳазратнинг набатдаги байтларида жонсиз вужуднинг "тули раёсини йўқ" бир қора туфроққа, бундай туфроқнинг, моҳи раёсини қаронгу тулға, ойсиз кечани, ҳаёт сувидан маҳрум "қулоғ"га, "чашман хайвони йўқ" қаронгулики равайи раёсини дўзахга қиёсланиши ёрсиз кўнгли ҳолатидан кўра султони йўқ давлат тақдирини кент ва теранроқ акс эттиради. Кейинги неки байт ҳам ўз-ўзидан умумий ижтимоий-сисъий фожиянинг шорхи ўлароқ қабул қилинади. Дарҳақиқат, 1457 йил февралдан кейин Абдулқосим Бобурнинг ўғли Шох Маҳмуд, Абдулқосимнинг ўғли Мирзо Иброҳим, Султон Абусаид орасида

⁵² Фахрий М. Ислам фалсафаси тарихи. - Истанбул, 1989. 407-бет.

кечган ғаво ва кирғинлар бошсиз қолган улкан мамлакатнинг парчаланишиндан бошқа бир манзарани акс эттирмасди.

Ғазал яратилган вақт эътиборга олинса, Навоийнинг:

Видо эътиши бу китсевордн омонлиг,

Омонлиг урнига келмиш ёмонлиг, -

деган сўзлари ўша давр Ҳуросон аҳолини бағоят анкифодалайди, деб ўйлаймиз. Миллионлаб одамларнинг тақдирини тегишли улкан ва бағоят долзарб сиёсий масалани ошиқона оҳанг ҳамда «либосда» тасвирлаб бериш бу — алоҳида маҳорат, Давлатнинг жисмига жон бўлганган ҳукмдор деганда, Навоий, албатта, жаҳонгир Амир Темур, Шоҳрух Мирзо, Султон Улуғбек каби подшоҳларни назарда тутганлигини изоҳлашга ҳам ҳожат йўқ деб ўйлаймиз.

“Ё РАБКИ, ФАНО БАЗМИДА...”

Ё рабки, фано базмида хос айла мени,

Фақр аҳлига соҳиб ихтисос айла мени,

Ё дохили зумрайи хавос айла мени,

Ё ранжи авомдин халос айла мени.

Алишер Навоий девонларидаги юзлаб шеърларда фано ва фақр деган сўзга қайта-қайта дуч келинади. “Фано” ҳам “фақр” ҳам мутафаккир бобомиз учун айтиш ёки ёзиш билан тугатиб бўлмайдиган фикр ва тушунча хазинасига ўхшайди. Қўлгина Шарқ шоирлари сингари фақр деса, Навоийнинг кўнглида қувонч ва шодлик қанот коқади; фано деса руҳи яйраб яшнайди.

Навоий фақирлик маслагини қанчалик улуғласа, фано ҳолини ўшанча юкори шарафлайди. Бунга асосий сабаб нима? Бу сўзларнинг бир катор лугатларда изоҳланган мазмунларига асосланиб айтиладиган бўлса, на фақрда, на фанода ибрат ва хаваста арзигulik ҳаётий бир маъно топилмайдди. Масалан, “Навоий асарлари лугати”да фано қалимаси: 1. Йўқ бўлиш; тугалиш; ўлиш; бақосизлик. 2. Ўзликни йўқотиб, бутун борлиқдан кечиб, илоҳиётга сингиш (тасаввуфда) деб изоҳланган бўлса, фақр — қамбағаллик, йўқсиллик; 2. Дунёдан кечиб дая шарҳланган.

Рубоийнинг илк мисрасидаги “фано базми” иборасини оддий шарҳон “йўқолиш, ўлиш, ўзликдан қутилиш” мазмунда аниқлашга имкониёр. Демак, унинг нигоҳида Навоий ўз-ўзидан ўлимини, тирилишининг умуман бақосизлигини ёқловчи бир шир қиёфасида тавалласди. Ёки: “Фақр аҳлига соҳиб ихтисос айла мени”, фироқини олаётлик. Лугатдаги изоҳга асосланилса, “фақр аҳли”ни қандайд, қашшоқ, дунёга қўл силтаган қимсалар гурӯҳидан бошқа бир жамоа сифатида тасаввур қилолмайсиз. Наҳотки, Навоий шир, йўқсиз одамларнинг энг олдинги каторида бўлиш ва қашшоқлик билан фақрланишни ору этган бўлса? Ҳеч қачон қиёслай бўлмаган ва бўлиш ҳам мумкин эмас эди. Қамбағаллик ва қашшоқлик инсонни нақадар хору зор айлаб, не-не азобу қурутларга гирифтор айлашини Навоий ҳаммадан кўра яхшироқ билган.

Лекин халқ орасидаги авомлик, нодонлик ва гумроҳлик Навоий қабрида дард кўзаб, уни эгганлиги — бу рост, албатта. Аслини олганда, маъкур рубоийнинг ёзилишига асосий сабаб ҳам шир бу дардидир. Шоир авом ранжидан халос айлаш учун Оллоҳга нисбатан қилиб бири иккинчисига йўл очиб, бири бошқасини қўлаб-қувватлашни уч орузун изхор этади.

Буллардан биригиси, фано ҳолида энг бағанд даражага еттириб, руҳий шодлик ва фароғатга эрилиши:

